Boqiy fikr

Dunyo mamlakatlarining o‘zaro savdo va madaniy aloqalarida o‘zbek zamini azal-azaldan ko‘prik vazifasini o‘tab kelgan.

Islom KARIMOV

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma’rifat

ENLIGHTENMENT — XALQ ZIYOLILARI GAZETASI — معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 17-may, chorshanba № 39 (9000)

ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирларини қутладилар.

Ўзбекистон Президенти ўз қутловида ўтган чорак аср мобайнида икки томонлама алоқаларимиз дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида кенгайиб борганини мамнуният билан таъкидлаган.

Давлатимиз раҳбари “биргаликдаги амалий ҳаракатларимиз ва ўзаро қўллаб-қувватлаш билан ҳамкорлигимиз янада чуқурлашиб, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги дўстлик кўприги тобора мустаҳкамланиб бораверади”, деб ишонч билдирган.

Президент Мамнун Ҳусайн Покистон ҳукумати ва халқи номидан ушбу сана муносабати билан самимий тилаклар билдириб, “мамлакатларимизни яқин тарихий, диний ва маданий ришталар боғлаб туриши”ни таъкидлаган.

Қутловда Покистон Ўзбекистон билан турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр экани қайд этилган.

ЎзА

ТАШРИФ ДАВОМИДА 23 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК 100 ДАН ОРТИҚ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давомида умумий қиймати 23 миллиард доллардан зиёдни ташкил этган 100 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди.

Азим АҲМАДХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси:

— Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзаро манфаатли алоқаларни барча соҳаларда кўриш мумкин. Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига катта миқдорда инвестиция киритаётган давлатлардан бири. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш йил сайин ўсиб бормоқда. 2016 йил якунлари бўйича ўзаро савдо айланмаси ҳажми 4,2 миллиард долларни ташкил қилди.

Яна бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозим. Одатда мамлакатга инвестиция жалб қилишда иккита муҳим кўрсаткич бўлади: кредитлар ва тўғридан-тўғри сармоялар. Президентимизнинг Хитойга давлат ташрифи давомида Хитойнинг турли банк ва компаниялари билан тўғридан-тўғри сармоя киритиш бўйича йирик келишувларга эришилди.

Пахтани чуқур қайта ишлаш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва фармацевтика соҳаларида ишлар бошлаб юборилди. Хитойнинг йирик компаниялари Ўзбекистонда дори воситалари ишлаб чиқаришга ҳам қизиқиш билдирди. Келгусида бу йўналишда ҳам янги келишувларга эришамиз.

Ҳусниддин ҲОСИЛОВ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бош менежери — бош муҳандиси:

— Темир йўл транспорти иқтисодиётнинг асосий қон томири ҳисобланади. Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб мавқега эга. Зеро, мамлакатимиз магистраль темир йўл тармоқлари Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган катта салоҳиятга эга.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида барча соҳалар қатори транспорт коммуникацияларини йўналишидаги ҳамкорлик ҳам юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Хитойда ишлаб чиқарилган юқори техник кўрсаткичлар ва қатор афзалликларга эга, замонавий ва юксак самарали электровозларнинг мамлакатимизга етказиб берилгани ўзаро манфаатли ҳамкорликка ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ва транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир.

(Давоми 2-бетда.)

Бебаҳо маданий меросимиз анъаналари

“Ўзбекистон маданий мероси — халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл” мавзуидаги халқаро илмий-маданий конгресс 16 май куни Самарқандда давом этди.



Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан “Тараққиёт стратегияси” маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси, Бадиий академия, ЮНЕСКО ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юртимиз ва чет эллик олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, соҳа мутахассислари ва экспертлар дастлаб Мирзо Улуғбек мадрасаси ҳовлисида “Шарқона гилам бозори — мустақил Ўзбекистон гиламчилигининг энг яхши намуналари” кўргазмаси ҳамда ушбу лойиҳа доирасидаги китоблар тақдимотида иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон ўзининг бой маданий мероси, маънавий қадриятлари, фан ва таълим соҳасидаги улкан ютуқлари билан инсоният тамаддунига беқиёс ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаб, мустақиллик йилларида ушбу маданий меросни асраб-авайлаш, миллий анъана ва қадриятларни давом эттириш учун давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратилганини қайд этди.

(Давоми 3-бетда.)

Oliy Majlis Qonunchilik palatasida

2017 йил 16 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис кун тартиби мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган кўплаб қонун лойиҳаларини қамраб олди.

ДЕПУТАТЛАР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Парламент қуйи палатасининг мажлиси кун тартибига киритилган масалалар аввалроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида муҳокама қилинган эди.

Таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда парламентнинг қуйи палатасида қонун ижодкорлиги жараёни 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ олиб борилмоқда. Ҳозирги воқеликларни ҳамда иқтисодиёт одамларнинг юқори даражадаги турмушининг асосий шарти сифатида қараладиган жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда парламент вакиллари давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар самарасини тубдан оширишга қаратилган ташаббусларини қонун йўли билан ўз вақтида пухта мустаҳкамлашга эътибор қаратмоқдалар.

Депутатлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бошлади.

(Давоми 2-бетда.)

2017-yil 17-may, № 39 (9000)

ТАШРИФ ДАВОМИДА 23 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК 100 ДАН ОРТИҚ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу Хитойнинг Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларига чиқишини таъминлайди. Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг барпо этилгани бу борадаги ҳамкорликнинг ёрқин ифодасидир. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ва Хитойнинг "China Railway Tunnel Group" компанияси ҳамкорлигида бунёд этилган Қамчиқ туннели энг қисқа вақтда қуриб битказилган ана шундай лойиҳа сифатида тарихга кирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давомида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан ХХРнинг етакчи қурувчи компаниялари ўртасида самарали келишувларга эришилди. Мазкур ташриф ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Илҳом ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекенгилсаноат» АЖ бошқаруви раиси:

— Жорий йил февраль ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлди. Президентимиз Қашқадарё вилоятида хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда бунёд этилаётган енгил саноат корхонаси қурилиши билан танишиш жараёнида бу йўналишдаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш бўйича муҳим кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбарининг Хитойга давлат ташрифи доирасида ушбу мамлакат енгил саноат ассоциацияси билан муҳим келишувларга эришдик. Улар 8 йирик ва истиқболли битимдан иборат. Мазкур ҳужжатлар доирасида хитойлик ҳамкорлар билан янги технопарк қуриш мўлжалланмоқда. Юқори технологиялар жорий қилинадиган лойиҳалар хомашёни чуқур қайта ишлашдан тортиб тайёр маҳсулот тайёрлашгача бўлган жараённи тўла қамраб олади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг катта қисми экспортга йўналтирилади.

Омон МУСАЕВ, «Ипотека-банк» АТБ бошқаруви раиси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи доирасида «Ипотека-банк» ва Хитой Давлат тараққиёт банки ўртасида кредит шартномаси имзоланди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бу жараёнда мамлакатимиз банк-молия тизими томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини сақлаш ва ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар соҳа тараққиётида янги имкониятлар очмоқда.

Тадбиркорларнинг яқин ва ишончли ҳамкорига айланган банк тизими ишбилармонларнинг ишончини тўла қозонишни ўзининг асосий мақсади, деб билади. Айни пайтда мамлакатимиз банклари молиявий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида самарали фаолият кўрсатаётгани ва банк тизимини янада ривожлантириш йўлида салмоқли натижаларга эришаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон банк тизими доимий равишда нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг "барқарор" рейтинг даражасига сазовор бўлаётгани банкларимиз халқаро мезонларга мос иш олиб бораётганлигини кўрсатади. Банклар барқарорлиги уларнинг мижозлар талаблари асосида замонавий хизматлар сифати ва кўламини оширишига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг Хитойга давлат ташрифи доирасида эришилган келишувлар ўзининг юксак самараларини беради.

ЎзА махсус мухбири А.ЎРОЗОВ ёзиб олди.

ХИТОЙ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИНИ КЕНГ ЁРИТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи Хитой оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Хитойнинг етакчи «Синьхуа» ахборот агентлиги Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг учрашуви ҳақида батафсил ахборот тарқатди. Журналистлар ушбу учрашув натижалари Ўзбекистон ва Хитой халқларининг туб манфаатлари ва замон талабларига мослигидан, узоқ муддатли ҳамкорликка содиқлигидан далолат эканини таъкидлаган.

CGTN телеканали олий даражадаги мулоқотлар изчиллиги ўзаро муносабатларнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаши баробарида барча даражадаги алоқалар жадаллашувига хизмат қилаётганига эътибор қаратган. Ахборотда икки давлатнинг узоқ ўтмишга бориб тақалади-ган алоқалари бугунги кунда ўзаро ишонч ва дўстлик руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилган.

«China daily» газетасида «Ўзбекистон билан алоқалар ўз самарасини бермоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинган. Унда Ўзбекистон ва Хитой халқлари азалдан ўзаро савдо-сотиқ қилгани, бир-бирининг маданиятини бойитгани қайд этилган. Бугунги кунда давлатлараро муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилган, ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларни қамраб олган.

Мақолада давлатларимиз ўртасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётгани, хусусан, Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннели қурилиши кўп қиррали ҳамкорликнинг яққол мисоли сифатида таъкидланган. Муаллиф ушбу стратегик объектлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа, жумладан, Хитой учун ҳам ғоят аҳамиятли эканини қайд этган.

«Синьцзин бао» газетасида Ўзбекистон – Хитой ўртасидаги муносабатлар турли йўналишларда муваффақият билан ривожланаётгани таъкидланган. Газета Ўзбекистоннинг сармоявий ҳамкорлари рўйхатида Хитой етакчи ўринлардан бирини эгаллаши ва Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган ХХР капиталининг ҳажми барқарор равишда ўсиб бораётгани ҳақида маълумотлар келтирган.

А.ЎРОЗОВ, ЎзА махсус мухбири

ДЕПУТАТЛАР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар давлат мулки объектларини реализация қилиш жараёни тартиб-таомилларини янада соддалаштириш ва жадаллаштиришга қаратилган моддалар билан тўлдирилди. Шу тариқа амалдаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши хусусий мулк этиб реализация қилинган объектларда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни ҳамда хизматларни йўлга қўйишни ташкил этиш ҳисобига хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш имконини беради.

Шунингдек, депутатлар Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига, Бюджет кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаларини ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашга қаратилган. Чунончи, ўта оғир ҳолатлар рўйхати белгиланиб, ўзини ўзи ўлдиришгача етказганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилмоқда. Бундан ташқари, Жиноят кодексига ўзини ўзи ўлдиришга, шу жумладан, телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, бутунжаҳон интернет ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда ўзини ўзи ўлдиришга ундаш учун жавобгарликни белгиловчи 103^1-модда киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Бюджет кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жарима миқдорини камайтириш ваколатига эга бўлган шахсларнинг аниқ рўйхати белгиланади, маҳаллий бюджетларнинг республика бюджетига қарамлиги қисқаради.

Шундан сўнг депутатлар суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Шуни эслатиб ўтиш керакки, тадқиқот маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судьялар Кенгаши ҳузуридаги одил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот марказига айлантирилди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида Қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармаси ташкил этилди. Шу муносабат билан Бош прокурорга мазкур бошқармага юридик ихтисосликка эга бўлмаган кадрларни, чунончи иқтисодчилар, молиячилар, социологлар ва бошқаларни қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Шунга мос тарзда ушбу масалалар депутатлар томонидан кўриб чиқилган «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасида ўз аксини топди.

Парламент вакиллари ўз конституциявий ваколатлари доирасида Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар рўйхатига киритиш тўғрисида тегишли қарорларни қабул қилдилар. Давлатимиз раҳбари Хоразм ва Қашқадарё вилоятларига сафарлари чоғида туризм соҳасини ривожлантириш учун мазкур минтақаларнинг салоҳияти юқори эканлигини ҳисобга олиб, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларини мустақил маъмурий бирлик этиб қайта ташкил қилиш ҳамда уларни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар рўйхатига киритиш топшириғини берган эди. Ушбу чора-тадбирлар Ўзбекистон ҳудудида жойлашган жаҳон аҳамиятига молик бу қадимий шаҳарларнинг туристик салоҳиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Мажлис давомида депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

2017-yil 17-may, № 39 (9000)

Бебаҳо маданий меросимиз анъаналари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандлик анъаналарининг ноёб йўналишлари тикланиб, илмий тадқиқ этилди. Бугунги кунда улар ёш авлод томонидан муносиб давом эттирилмоқда.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам маданият, илм-фан, адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланиб, изчил амалга оширилмоқда.

Меҳмонлар Самарқанд гиламчилик ва каштадўзлик маҳсулотлари намуналарини кўздан кечирди, ота-боболаридан мерос касбни давом эттираётган ҳунармандлар, тадбиркорлар билан мулоқотда бўлди. Бетакрор санъат асари даражасига кўтарилаётган Самарқанд ипак гиламлари, кашталарини ҳайрат билан томоша қилиб, уларнинг тайёрланиш жараёнини кузатди.

— Дунёнинг энг йирик ва машҳур музейларида Ўзбекистоннинг ўтмиши, миллий анъана ва қадриятлари билан боғлиқ ноёб тарихий экспонатлар, китоб ва қўлёзмалар кўп, — дейди "Ўзбекистон маданий мероси" лойиҳасининг халқаро координатори, россиялик Андрей Зибкин. — Лойиҳани амалга ошириш жараёнида бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик. Анжуман доирасида кўрган ва эшитганларимиздан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугун тайёрланаётган тасвирий ва халқ амалий санъати намуналари, миллий ҳунармандлик буюмлари, ўрганилаётган илмий манбалар ҳам бу замин тарихи ва маданияти инсониятнинг бебаҳо бойлиги сифатида юксак қадрланади. Самарқандннинг ҳар бир обидаси, бу ерда намойиш этилаётган ноёб тарихий ашёлар ҳайрат ва ҳавасимизни оширмоқда.

Мирзо Улуғбек мадрасасида ўтказилган Ўзбекистон санъатининг ўзига хослиги ва тарихий-маданий аҳамиятига бағишланган анжуманда хорижий ва маҳаллий олимлар, халқаро экспертлар ўзбек халқ амалий санъати анъаналари, Шарқ ва Ғарб ўртасида маданий алоқаларни йўлга қўйишда Буюк ипак йўлининг ўрни, Моваройннаҳр китобат санъати бўйича маъруза ва тақдимотлари билан иштирок этди. "Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида" лойиҳаси доирасида чоп этилган китоб-альбомларни нашрга тайёрлаш жараёни ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимизда илм-фан, санъат ва маданият ривожи жуда узоқ ўтмишга бориб тақалиши таъкидланди. Аждодларимиз бундан 3 минг йиллар илгари ҳозирги замонавий илм-фаннинг илк пойдеворини қўйган ва ривожлантирган. Заминимиздан етишиб чиққан буюк алломалар астрономия, математика, тиббиёт илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Бу борада ўзига хос мактаблар яратилган. Айниқса, Амир Темур ва темурийлар даврида Моваройннаҳрда илм-фан билан бирга, миллий ҳунармандлик, шаҳарсозлик тараққий топган. Шарқнинг етук олимлари, рассомлар, уста ва ҳунармандлар Самарқандда жам бўлган.

Соҳибқироннинг набираси Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган расадхона ва мадрасада Ғарбу Шарқдан юзлаб толиблар келиб астрономия, математика ва бошқа фанларни ўрганган.

— Ўзбекистон заминида дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган кўплаб алломалар камолга етгани ҳақида эшитган бўлсам-да, мазкур конгрессда қатнашиб, яна ҳам кўп маълумотлар олдим, — дейди Британия музейи ходими, доктор Ладан Акбарния. — Буюк астроном Мирзо Улуғбек бунёд этган мадрасада маъруза тинглаш, ҳамкасбларим билан фикр алмашиш имконияти эга бўлганимдан хурсандман. Бу ҳаётимдаги энг ҳаяжонли, унутилмас лаҳзалар бўлиб қолади.

Анжуман қатнашчилари "Конигил мерос" корхонасида дунёга машҳур Самарқанд ипак қоғозини қадимий анъаналар асосида тайёрлаш жараёни билан танишди. Самарқандлик хаттот ва миниатюрачи рассомлар кўргазмасини томоша қилди.

Амир Темурнинг боғдорчилик анъаналари асосида яратилган "Боғишамол" боғида ташкил этилган маданий дастур ва миллий мусиқа кечаси, "Ўзбекистон мусиқий мероси" китоб-альбоми тақдимоти ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Халқаро анжуман тадбирлари Самарқандннинг юлдузларга тўла оқшомида муаззам Регистон майдонида намойиш этилган "Ўзбекистон маданий мероси — умумбашарият хазинаси" номли мусиқий томоша билан якунланди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири
ЎзА фотомухбири
Алишер ИСРОИЛОВ олган суратлар.

Эл-юрт ҳурмати — энг катта бахт

Илм-фан билан шуғулланиш игна билан қудуқ қазишга менгзалиши бежиз эмас. Чунки жамият олдида турган долзарб масалалар ечими илм-фан ютуқлари билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мазкур соҳани, олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, умрини шундай машаққатли ишга бағишлаган инсонлар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Бу жиҳатлар 14 май куни Ўзбекистон Фанлар академиясида йирик тарихчи-археолог олим, академик Эдвард Ртвеладзе таваллудининг 75 йиллигига бағишланган маросимга ҳам ўз ифодасини топди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, Фанлар академияси аъзолари, юртимиз ва хорижлик олимлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 10 майдаги фармони билан илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдаги муносиб ҳиссаси, мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун ЎзФА Санъатшунослик институти бўлим бошлиғи, академик Эдвард Ртвеладзе «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов юксак давлат мукофотини Э.Ртвеладзега тантанали равишда топширди.

ЎзФА бош илмий котиби Б.Иброҳимов, Франциядаги Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганувчилар ассоциацияси президенти, тарихчи олима Ф.Бопертюи-Брессанд, Грузиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси К.Жгенти, академик А.Асқаров, ЎзФА Тарих институти бўлим мудири, профессор Д.Алимова ва бошқалар Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда илмий-инновацион потенциалнинг янги ривожланиш динамикасига асос солинаётгани, академиклар меҳнатининг муносиб қадр топаётгани ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида кўплаб муаммоларнинг амалий ечимида, барча соҳани уйғун тараққий эттиришда катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 30 декабрь куни етакчи олимлар билан учрашувида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада мустаҳкамлаш борасидаги долзарб масалалар, уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида очиқ фикрлашиб олинди. Президентимиз фармонига мувофиқ академикларга бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, дам олиш масканларида ҳар йили бепул фойдаланиш ҳуқуқи назарда тутилган. Академиклар илмий, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларига кенг жалб этилиб, уларга юқори малакали кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этишлари учун зарур имкониятлар яратилмоқда.

Эл-юртимизнинг ана шундай заҳматкаш олимларидан бири — академик Эдвард Ртвеладзе. У 840 дан зиёд илмий иш, жумладан, 41 монография муаллифидир. Беш юздан зиёд илмий мақоласи мамлакатимиз, Россия, Италия, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, Греция, Грузия, Польша, Ҳиндистон каби давлатлардаги нуфузли илмий нашрларда чоп этилган. Унинг илмий раҳбарлигида 14 фан доктори ва фан номзодлари тайёрланган.

— Эдвард Ртвеладзенинг Ўзбекистон ва Марказий Осиё, бутун Евроосиё тарихи билан боғлиқ кенг қамровли илмий тадқиқотлари, ишланмалари дунёнинг етакчи илмий марказларида тан олинган, — дейди ЎзФА Яҳё Ғуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти директори Амриддин Бердимуродов. — Олимнинг юртимиз антик даври тарихини ўрганишдаги улкан хизматлари ҳеч қачон ўз аҳамияти ва қийматини йўқотмайди.

Академик мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Олий Мажлис Сенати (2010—2015 йиллар), ЎзФА президиуми, кўплаб давлат ва жамоат ташкилотларининг аъзоси сифатида самарали фаолият олиб бормоқда.

Олимнинг меҳнатлари мустақиллик йилларида муносиб қадр топмоқда. Биринчи Президентимиз фармонларига кўра Э.Ртвеладзега «Буюк хизматлари учун» (2001 й.), «Меҳнат шуҳрати» (2003 й.) орденлари, Фан ва техника соҳасидаги Давлат мукофоти (2007 й.) берилган.

— Умримнинг асосий қисми ўзбек қишлоқларида, кўп йиллик тарих тилсимларини бағрида сақлаб келган тепаликларда ўтаётганидан мамнунман, — дейди академик Эдвард Ртвеладзе. — Ўзбекистон — инсоният цивилизацияси бешикларидан бири. Бу заминнинг буюк тарихи инсоният қай тариқа тараққиётга эришганининг ўзига хос бир исботидир. Шундай табаррук ёшда эл-юрт эъзозида юриш — катта бахт. Президентимиз Шавкат Мирзиёевга илм-фан ривожига, академикларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратаётган юксак ғамхўрлиги, камтарин меҳнатларимни юқори баҳолаб, Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирлагани учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Юнусхўжаев иштирок этди.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА мухбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **9—13 май кунлари Тожикистонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хабарига кўра , мамлакатимиз делегацияси Душанбе халқаро аэропортида карнай-сурнай билан кутиб олинган. Маданий тадбирда "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси вакиллари, Ўзбекистон халқ артистлари, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, халқаро танловлар ғолиблари, "Ўзбекистон" ашула ва рақс ансамбли иштирок этган.

Маданият кунларининг очилиш маросими 10 май куни С.Айний номидаги давлат академик опера ва балет театрида бўлиб ўтди. Унда Тожикистон ҳукумати аъзолари, Маданият вазирлиги ва дипломатик корпус вакиллари, маданият ва санъат арбоблари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Театр фойесида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларига бағишланган "Замонавий Ўзбекистон" номли фотокўргазма ташкил этилди.

"Коҳи Наврўз" мажмуасида бўлиб ўтган "Ота" ва "Ойқиз эртаги" бадиий фильмлари намойиши ҳам томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди. Душанбе шаҳри билан бир қаторда Кўрғонтепа ва Турсунзода шаҳарларида ҳам концерт дастурлари ўтказилди.

Тожикистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон ва Тожикистон маданий алоқалари ҳамда Ўзбекистон маданияти кунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон маданияти кунлари Тожикистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

❖ **Наманганда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ўтказилган меҳнат ярмаркасида 125 тадбиркорлик субъекти томонидан 700 дан зиёд бўш иш ўрни тақдим этилди.**

Вилоят ҳокимлиги, вилоят меҳнат бош бошқармаси ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 1000 га яқин битирувчи иштирок этди. Ярмаркада ижтимоий муҳофаза, меҳнат қонунчилиги, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида яратилган имкониятлар, вилоятдаги замонавий корхоналар, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муассасалари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Президентимиз раҳнамолигида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилаётган алоҳида эътибор ёшларни ушбу соҳа бўйича аниқ мақсадга йўналтиришда муҳим омил бўлмоқда, — дейди вилоят меҳнат бош бошқармаси бўлим бошлиғи С.Ризаев. — Бугунги тадбирда ҳам 17 битирувчига тақдим қилган бизнес режаси учун 180 миллион сўмдан зиёд имтиёзли банк кредити олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. 16 битирувчига 144 миллион сўмга яқин кредит маблағи ажратилди.

❖ **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Халқаро оила кунига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.**

Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш масалаларига бағишланган мазкур анжуман Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилди.

— Оилаларнинг манфаатларини ҳимоялаш, репродуктив саломатликни сақлаш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби масалалар 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган, — дейди БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Миеко Ябута. — Ташкилотимиз оилалар, хотин-қизларга эътибор қаратиш бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган барча эзгу ишларни қўллаб-қувватлайди.

Анжуманда маҳалла, таълим масканлари ва оила ҳамкорлигини кучайтириш, оилаларда китобхонлик маданиятини ошириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллалардаги мавжуд комиссиялар фаолиятини жонлантириш ва бошқа масалалар бўйича фикрлар билдирилди.

❖ **Тошкент архитектура-қурилиш институтида «Энг ёш архитектор — 2017» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

Унда пойтахтимиз, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирок этди.

2017—2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида ташкил этилган танловда 15 касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари 110 га яқин ишланмани намойиш қилди.

Тошкент архитектура-қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Дилшод Тўлқинов танловда «Савдо маркази» макети билан қатнашди.

— Бу лойиҳада 10 дан зиёд йўналишдаги савдо шохобчалари тартиб билан жойлаштирилади, — дейди Дилшод. — Бир том остидаги дўконлар алоҳида-алоҳида бинода жойлашади. Уларнинг марказий тармоққа уланиши савдо ходимларига ҳам, харидорларга ҳам бирдек қулайлик яратади.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Ўзбекистонлик болалар Туркманистонда дам олади

Туркманбоши шаҳри халқаро аэропортида Аваза миллий сайёҳлик зонасига дам олиш учун келган бир гуруҳ ўзбекистонлик болаларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди, деб хабар қилади Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ҳамкори Туркманистон давлат ахборот агентлиги.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан шу йил май ойи бошида бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотида билдирилган таклифга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева раҳбарлигидаги делегация Туркманистонга ташриф буюрди.

Май ойи бошида бўлган телефон орқали мулоқотда Туркманистон Президенти Каспий қирғоқларидаги экологик тоза болалар соғломлаштириш марказлари ўзбекистонлик болаларни қабул қилишга тайёр эканини билдирган эди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидан қарийб 100 нафар боладан иборат гуруҳ "Даянч" болалар соғломлаштириш марказига етиб келди.

Мактаб ўқувчиларига услубчилар, Ўзбекистон Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари вакиллари, "Томоша" болалар театр-студияси аъзолари ва журналистлар ҳамроҳлик қилмоқда.

Авазада ёш меҳмонлар учун саёҳатлар, мусиқий ва спорт тадбирлари, енгил атлетика ва сузиш бўйича мусобақалар, ижодий танловлар, ёш билимдонлар ўртасида викторина ва беллашувлар, бадиий кечалар ташкил этилиши кутилмоқда. Ўзбекистонлик ўқувчилар Аваза сайёҳлик зонасида 25 майга қадар бўлишади.

ЎзА

Ўзаро ҳамкорлик тажрибани бойитади

Тажриба алмашиш педагог маҳоратини оширишдаги асосий омилдир. Шунингдек, ўзаро иш ўрганиб, ҳамкасблари ютуғини фаолиятига татбиқ этиш ҳам ўқитувчи тажрибасини бойитади.



Сергели туманидаги 6-ИДУМга йиғилган республикамиздаги ўттизга яқин ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директорлари фанлар кесимида ўзаро тажриба алмашишга қаратилган 20 та очиқ дарсни кузатишди.

— 6-синфда Нигора Каримова ўтган "The importance of English" дарсини кузатдик, — дейди Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги 9-ИДУМ директори Нусратхон Матисоқова. — Ўқувчилар жараёнда фаол иштирок этишди, топшириқларни мустақил бажаришди. Айниқса, ўқувчиларнинг диалогик нутқи яхши ривожлангани иштирокчилар эътиборини тортди. Шунингдек, ўқитувчининг дарслик билан биргаликда қўшимча адабиётлардан фойдаланиши ўқувчилар билимини янада бойитгани кўриниб турибди.

Семинар иштирокчилари мактаб тажрибаси ва ютуқлари билан яқиндан танишиб, ўқув жараёнини такомиллаштириш ҳамда бошқарув бўйича таклифлар билдиришди.

* * *

Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ўқув-методика кенгашларининг филология йўналишидаги ўқув-семинари Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида бўлиб ўтди.

Очиқ мулоқот руҳида ўтган тадбирда ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари директорлари соҳадаги ўқитиш, бошқарув ва ташкилий жиҳатларда учрайдиган муаммо ва камчиликлар ечими юзасидан таклифларини берди.

Ўқитувчилар филология фанларига ихтисослаштирилган синфлар учун дарсликлар яратиш ва айни синфларда энг малакали ўқитувчилар дарс ўтишини таъминлаш зарурлигини таъкидлашди.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma’rifat» мухбири
Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Бебаҳо хазина

Китоб — фикрлар қуроли, хазиналар калити, билим манбаи, илм шамчироғи, маънавият сарчашмасидир. Шундай экан биз ёшлар ушбу бебаҳо хазинани юрагимизга яқин тутмоғимиз керак. Инсон ўз маънавий дунёсини бойитиб боришда ўзига китобдан-да яқинроқ дўст тополмайди. Ҳаётда кўриб-билиб турибмизки, дунёнинг айрим минтақаларида босқинчилик, бегуноҳ кишилар ҳаётига тажовуз қилиш, қўпорувчилик каби нохуш ҳолатлар рўй бермоқда. Албатта, бу каби нохушликлар замирида маърифатсизлик, илмсизлик, китоб ўқимаслик ётади. Маънавият эса инсон қалбига фақат мутолаа орқалигина сингади.

Мактабимизда "2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" муносабати билан "Китобхонлик байрами" бўлиб ўтди. Тадбирга маҳалламизнинг кекса китобхонлари таклиф этилди.

Сўзга чиққан отахон ва онахонлар энг аввало мамлакатимиздаги фаровонликка, тинчликка шукрона айтишди. Маҳалламиз нуронийлари биз ёшларга китоб билан дўст бўлишни, китоб мутолаасидан узоқлашмасликни уқтиришди.

Тадбир давомида "Энг яхши синф кутубхонаси" кўрик-танлови ўтказилди. Унда 8- ва 9-синф кутубхоналари энг намунали деб топилди. Ғолиблар муносиб тақдирланди.

Шундан сўнг мактабимиз қошида ташкил этилган "Истиқлол ғунчалари" фольклор дастасининг чиқишлари намойиш этилди.

"Китобхонлик байрами"да ота-оналар томонидан 300 дан ортиқ бадиий адабиётлар мактаб кутубхонасига совға қилинди.

Роза ХОЛНАЗАРОВА,
Яккабоғ туманидаги
37-мактаб ўқувчиси

Ёшларга амалий кўмак

Қўқон қурилиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида “Мен тадбиркор бўлмоқчиман” мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Туман “Ягона дарча” маркази билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу тадбирда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятидаги коллеж битирувчилари, манфаатдор ташкилот ва корхоналар, тижорат банклари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади. Юртимизда ўтган йил январидан бошлаб туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида “ягона дарча” тамойили асосида тадбиркорларга давлат хизматлари кўрсатиш бўйича марказлар ташкил қилинди.

Семинарда касб-ҳунар коллежи битирувчиларига ўз бизнесини йўлга қўйиш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар, тадбиркорлик фаолиятини бошлашда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, “Ягона дарча” марказининг вазифалари, уларда кўрсатилаётган давлат хизматлари турлари ҳамда коллеж ўқувчилари учун яратилган имтиёзлар ҳақида атрофлича тушунча берилди.

Рукияхон ЖАББОРОВА,
шу коллеж ўқитувчиси

2017-yil 17-may, № 39 (9000)

Илмий асосланган тажрибалар

ернинг унумдорлигини ошириш ва аҳолини экологик тоза маҳсулотлар билан таъминлашга хизмат қилади

HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, унда "таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш" лозимлиги қайд этилган. Ушбу вазифани амалга оширишда илмий изланишларни соҳанинг реал муаммоларига йўналтириш, илм-фан ва амалиёт ўртасида узвий интеграцияни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон Миллий университети биология факультети профессор-ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчилари томонидан муайян ишлар бажарилмоқда.



Жорий йилнинг Президентимиз томонидан "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" дея номланиши ва Ҳаракатлар стратегиясини ушбу йилда амалга оширишга оид Давлат дастурининг қабул қилиниши мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш, қўшимча даромад манбаларига эга бўлишига кўмаклашиш, айниқса, қишлоқ жойларда мавжуд томорқалардан унумли фойдаланилишига эришиш йўлидаги амалий ҳаракатларни жадаллаштирди.

— Президентимиз республикамизнинг қайси ҳудудига ташриф буюрмасин, албатта, бу масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқда. Юртдошларимиз хонадонларида бўлиб, халқимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, биология фанлари доктори, профессор Лазиза Ғафурова. — Шундай экан, биз ҳам илмий асосланган тажрибаларимизни қишлоқ ва фермер хўжаликларига етказиш орқали экологик тоза, инсон саломатлиги учун зарур бўлган, арзон маҳсулотлар етиштирилишига ҳисса қўшишимиз зарур. Бунинг учун эса беминнат она тупроғимиз соф ва унумдор бўлмоғи керак. Бу мавзуга алоҳида аҳамият қаратаётганимиз боиси деҳқончилик маданиятининг алифбоси шундан бошланади.

Ҳаракатлар стратегиясида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратишда илмий ва инновацион ютуқлардан самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида урғу берилган. Университет ва қатор ҳамкор ташкилотлар олимларининг бухоролик фермерлар далаларида "Бухоро вилояти тупроқ иқлим шароитида такрорий экинларни етиштиришда экологик соф технологиялар" мавзусида кўргазмали семинар ташкил этгани муҳим амалий аҳамият касб этди.

Дарҳақиқат, 2013—2016 йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар мазкур ҳудудда микробиологик препаратларни қўллаш, шўрланган майдонларда янги сабзавот, дуккакли ҳамда такрорий экинлар етиштириш орқали тупроқ структураси ва зичлиги, гумус ҳолати, агрокимёвий, агрофизик хоссалари, биологик фаоллиги яхшиланишини кўрсатди.

— Деҳқонларга "Микроўстиргич" биоўғитидан фойдаланишнинг илмий, амалий жиҳатлари хусусида тушунча бериб, ундан фойдаланиш технологиялари бўйича яратилган қўлланмаларни тарқатдик, — дейди Л.Ғафурова. — Препарат гормон ва фермент синтезловчи ҳамда азотфиксатор микроорганизмлар мажмуасидан таркиб топгани билан айнан экологик жиҳатдан тоза маҳсулотлар етиштиришда муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда ўсимликларнинг ўсишини тезлаштириш билан бирга турли замбуруғли ва бактериал касалликлардан ҳимоя қилади. Мош, соя, ловия, булғор қалампири, маккажўхори, лавлаги кабиларни такрорий экин сифатида етиштириш билан сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олишга замин яратилади ва ҳар гектар экин майдонида 100—150 килограмгача азот тежалишига эришилади. Масалан, биргина ширинмия ўсимлиги тупроқ таркибидаги тузлар миқдорини сезиларли даражада камайтириб, 6-7 йил битта майдонда етиштирилганда яроқсиз тупроқни қайта тиклашга хизмат қилади.

Мутахассисларнинг хулосасига кўра, серқуёш диёримизнинг ҳатто шўрланиш даражаси юқори бўлган далаларида такрорий экин сифатида мўл ҳосил берадиган соя дони таркибида 45 фоизгача оқсил ва 25 фоизгача ўсимлик мойи мавжуд. Фақат ҳайвон оқсилида учрайдиган, муқобили бўлмаган аминокислоталарни ўзида мужассам этган соядан сут, қатиқ, творог, пишлоқ, экологик тоза мой, тухум толқони (таркибида лецитин моддаси бўлган), қон плазмалари, кўзойнаклар учун сифатли линзалар олинади. Чорвачиликда эса соя маҳсулотлари энг сифатли ва тўйимли озуқа саналиб, дони таркибидаги протеинига кўра 100 кг соя дони 134,8 озуқа бирлигига тенг. Бу кўрсаткич бошқа бирорта донли ёки дуккакли экинда учрамайди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фермер хўжаликлари ва томорқа эгаларининг янги агротехнологиялар, иқлим шароитимизни ҳар жиҳатдан инобатга олган ҳолда яратилаётган навлар, уларни парваришлаш йўл-йўриқларидан хабардорлиги катта аҳамият касб этади. Зотан, бу билимлар меҳнатнинг зое кетмаслиги, бозорларимизни арзон ва сифатли, сархил маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади. Бекободда ташкил этилган "Тупроқ-иқлим шароитида томорқаларни ривожлантиришда замонавий экологик соф агротехнологиялар" мавзусидаги дала илмий-амалий семинари ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан манфаатли бўлди. Олимлар томонидан амалиётга татбиқ этилган "Универсал" биоўғитини ғамлаш технологиясининг соддалиги, ҳатто уй шароитида ҳам тайёрлаш имкониятининг мавжудлиги тадбиркорларимиз ва деҳқонларимиз орасида катта қизиқиш уйғотди. Эътибор бериб қаранг-а: 40—50 сантиметр чуқурликда хандақ қазилиб, унга ўсимлик поялари, мева ҳамда сабзавот чиқиндилари ташланади. Устидан 5 сантиметр чамаси тупроқ ва яна шунча қалинликда гўнг солинади ҳамда вақти-вақти билан сувлаб турилади. Ёзнинг жазирама кунлари хандақ устига бўйра ташлаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Шу тариқа биоўғит 30 кунда фойдаланишга тайёр бўлади. Дейлик, ҳар гектар ерга маҳаллий ўғитлардан 20 тонна солиб, кутилган натижага эришилса, "Универсал"нинг 4-5 тоннаси ана шу вазифани бемалол уддалайди.

Мутахассисларнинг қайд этишича, бугун жаҳон тажрибасида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулларидан фойдаланиш кенг тарғиб этилмоқда. Шу маънода олимларимиз томонидан тавсия этилаётган "Триходермин", "Мадад", "Узхитан", "Биоазот", "Микрозим" сингари биопрепаратларни қўллаш технологиясидан фермер хўжаликлари, томорқа эгаларини хабардор этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бекободда ўтказилган илмий-амалий анжуманга деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда томорқа эгалари билан бирга, маҳаллалардаги фаол хотин-қизларнинг жалб этилиши тадбир мақсади ҳамда қамровини янада кенгайтирди. Чунки ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига мос янги яратилган сабзавот ва полиз экинлари навларини етиштириш технологияси хусусида фикр юритиш билан бирга, улардан турли витаминларга бой таомлар, салатлар тайёрлаш усуллари, уларнинг инсон организми учун фойдали жиҳатларини ҳам илмий жиҳатдан асослаб беришди. Хусусан, мош, ловия, соянинг экинларга чирмашиб ўсадиган, ўрим-йиғим палласида ҳосили тез тўкилиб кетадиган навлари ўрнига шу қусурлардан холи турларни экиш ва парваришлаш усуллари илмий ва амалий жиҳатдан тушунтирилди. Айниқса, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон сабзавотчилик маркази, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси томонидан тайёрланган "Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларида янги маҳсулотлардан таомлар" рисоласининг улашилгани оила бекалари учун соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида муҳим манба вазифасини ўтайди. Қўлланмада она заминимизда етиштириладиган соя, мош, ловия жандуқ, дайкон, маккажўхори, баргли карам кабилардан юздан ортиқ таом, салатларни тайёрлаш усуллари баён этилган. Эътиборли жиҳати, бу ўсимликлар катта меҳнат ва ортиқча эътибор талаб қилмай, озгина меҳр ва уриниш билан томорқа четлари, пайкалларда униб ўсади.

Мақолани тайёрлаш жараёнида пойтахтимиз бозорларидаги соя, дайкон, баргли карамнинг нарх-навоси билан қизиқдик. Мош, ловия, нўхат каби дуккакли маҳсулотлар расталарида соя негадир жуда кам. Топилганда ҳам килоси 14-15 минг сўмдан. Тўғри, айни кунда мазкур дуккакли экинлар хорижий мамлакатларда жуда харидоргир экани ва буюртмачилар сони йилдан-йилга ортиб бораётганидан хабардормиз. Бироқ бу маҳсулотларнинг қадрига етиш, уларнинг фойдали хусусиятларини янада чуқурроқ билиш учун илмий манбаларни мутолаа қилишимиз зарур, назаримизда. Турли салатлар таркибини бойитувчи, дармондориларга бой дайкон нимага ишлатилишини кўпчилик сотувчиларнинг ўзлари ҳам билмаслиги таажжубланарли. Кўкатлар орасида унда-бунда кўринадиган бу "оқ шолғом"нинг килоси 5 мингдан кам эмас. Тўрт-беш дона баргини истеъмол қилиш билан организмнинг темир моддасига кунлик талабини қондириш мумкин бўлган баргли карам ҳам негадир камёб... Уларни қиммат ва камёб қилаётган эса ўзимиз. Шулар ҳақида ўйларкансан, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси олис ва хаёлий гаплар эмас, том маънода, инсон манфаатларини кўзлаб яратилган оддий ва ҳаётий орзу-ниятлар, мақсадлар мажмуидан иборат эканига амин бўласан, киши.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Qimmatbaho telefon apparatini olib yurgan yoshlardan «Kitob javoningizda Alisher Navoiyning «Xamsa»si yoki Abdulla Qodiriyning «O‘tkan kunlar» romani bormi?» deya so‘rasangiz, ijobiy javob olishingiz mushkul.

Ma’rifat

2017-yil 17-may, № 39 (9000)

Sinab ko‘ring

«Сен буни уддалайсан!»

Мутахассисларнинг фикрича, ўқувчи чет тилида кўпроқ оғзаки мулоқот қилса, тилни тез ўрганади. Бунинг учун турли интерфаол усуллардан фойдаланиш самарадорликни таъминлайди. Тажрибамда шундай усуллардан кўп фойдаланаман. Мисол учун "Муҳокама қилиш усули" орқали ўқитувчи ўқувчиларни икки гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳ чет тилини мулоқот орқали ўрганиш осон деса, иккинчи гуруҳ кўпроқ саёҳат орқали ўрганишни ҳимоя қилади. Баҳс-мунозара жараёнида ўқувчи мустақил фикрлаб, ижодкорлик маҳоратини намойиш этади. Якунда ўқитувчи энг маъқул фикрни аниқлаб, шу гуруҳни юлиб деб эълон қилади.

Яна бир ўйин "Фарқни топиш" усулида ўқувчилар расмдаги фарқ ва ўхшашликларни топиши лозим. Биринчи расмда ўриндиқда икки йигит шахмат ўйнаяпти, ёнида дарахт тасвирланган. Иккинчи расмда эса китоб мутолаа қилаётган қиз, ой ва гуллар акс этган. Қизнинг ёнида ҳам катта дарахт тасвирланган. Ўқувчилар расмдаги фарқ ва ўхшашликни топиб, жавобларни чет тилида баён қилади.

Нутқни ривожлантиришда "Роль ижро этиш" усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу ўқувчининг дарсга қизиқишини оширибгина қолмай, улардаги яширин қобилиятни кашф этишга ҳам ёрдам беради. Ҳатто, синфдаги энг шўх, энг пассив ўқувчи ҳам роль ижро этишда ижобий маънода фаоллашади. Бирор қўшиқчи ёки эртак қаҳрамони образига кириш орқали ўзидаги тортинчоқликни бартараф этади. Тақдимотдан сўнг унда ижодкорлик ҳисси уйғонади. Шунингдек, "Қайта ҳикоя қилиш", "Расм тасвирлаш" методлари ҳам ўқувчиларда чет тилига қизиқишни оширади. Ушбу методлардан фойдаланиш билан бирга синфхонада зарур муҳит яратиш, савол, топшириқларни аниқ ва мақсадли бериш, ўқувчини рағбатлантириб, иштиёқини оширишга эътибор қаратаман. "Тақдимотинг ажойиб чиқди!", "Сен буни эплайсан!", "Албатта ғолиб чиқасан!" каби рағбатлар синфда доимо янграб туриши соғлом муҳитни шакллантиради.

Дилрабо МАҲМУДОВА,
Чортоқ туманидаги
48-мактабнинг
инглиз тили фани
ўқитувчиси

Tajriba

"Одамлар китоб ўқишдан тўхтаса, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар". Машҳур француз адиби Дени Дидронинг бу гапларини эсга олсак арзийди. Техник тараққиёт даврида инсон ҳаёти учун сув ва ҳаво қанчалик зарур бўлса, унинг руҳий-маънавий ҳаётида китобнинг ўрни шунчалик юксак туради. Мутолаасиз мазмунли ҳаёт кечириш, маънавиятли, маърифатли бўлиши мумкин эмас.

Ҳикмат дарсга мазмун бағишлайди

Мутолаага нисбатан пассив муносабатнинг вужудга келиши ва технологияларга нисбатан эса эътиборнинг кучайиши болалар маънавиятига салбий таъсир этмасдан қолмаяпти. Бугун энг сўнгги русумдаги қимматбаҳо телефон аппаратини олиб юрган ёшлардан "Китоб жавонингизда Алишер Навоийнинг "Хамса"си ёки Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи борми?" дея сўрасангиз, ижобий жавоб олишингиз мушкул. Ваҳоланки, ўша қимматбаҳо мобиль алоқа воситасининг пулига юзлаб китоб харид қилиш мумкин. Аммо айрим ота-оналарнинг китоб учун пул сарфлашга кўзи қиймайди. Хўш, фарзандларимизни қандай қилиб китоб мутолаасига қизиқтириш мумкин? Уларнинг бадиий адабиётга меҳрини оширишнинг қандай усуллари бор?

Аввало, китоб ўқишда шахсий намуна кўрсатишимиз лозим. Фарзандимиз эсини таний бошлаганида, унга биринчи қилган совғамиз китоб бўлсин. Ҳар байрамда улар биздан қизиқарли китоб олишни кутиб яшаса, қани эди. Уларга "Энди қайси бадиий асарни ўқимоқчисан?", "Яна қандай китобинг бўлишини хоҳлардинг?" дея юзлансак, маънавий эҳтиёжидан бохабар бўламиз.

Педагогман. Буюк мутафаккирларнинг китоб мутолааси ҳақидаги ҳикматларини тўплаб юраман. Бу дарсда қўл келади. Ҳикматни мавзуга мослаб ўқувчиларимга етказаман. Уларда мустақил фикр пайдо бўлади, қизиқиши қондирилади. Чунончи, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳақида сўз юритсак, унинг "Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир" деган пурмаъно гапларини доскага ёзиб қўяман. Ўқувчиларга "Ал-Хоразмий ўлим тўшагида ётар экан, мулозимлар ундан "Кўнглингиз нимани тусайди, устоз?" дея сўрашади. Шунда буюк аллома нимани талаб қилган?" деган савол билан юзланаман. Тахминий фикрлар ўртага ташланади. Синфда баҳс-мунозара муҳитини юзага келтирганимдан мамнун бўлиб, аниқ жавобни эълон қиламан: Ал-Хоразмий сўнгги манзилга кетиш олдидан "Китобнинг юзига бир қарасам!" деган экан.

Ёш авлодни китоб мутолаасига қизиқтириш замон талабига айланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши ана шу талабнинг амалдаги ёрқин ифодаси бўлди. Фармойишнинг ижросини таъминлашда ҳаммамиз фаол иштирок этишимиз керак.

Ота-оналарнинг фарзандига техник воситаларни олиб беришига қарши эмасмиз! Бу замона тақозоси. Аммо бу китоб совға қилишдек савоб, эзгу амални инкор қилиш эвазига бўлмасин, дейман. Болани мутолаага ўргатсак, уни техникага "қуллик" балосидан асраб, маънавий оламини бойитган бўламиз.

Элмира КУРАНБАЕВА,
Тошкент шаҳридаги 114-мактаб ўқитувчиси

Математик беллашувлар

Ўқувчиларнинг мураккаб фан — математикага қизиқишини ошириш учун, аввало, ўқитувчи маҳоратли бўлиши, математикага хос мураккаблик ва илмийликни енгиллаштиришга интилиш, ўқувчиларга кундалик ҳаётимиз, атроф-муҳит билан боғлиқ топшириқ ва масалалар бериб бориш лозим. Мавзу сўнгида ёки боб якунлангач, турли беллашувлар ташкил этиш ҳам ўқувчиларнинг ўзлаштиришига ижобий таъсир кўрсатади.

Масалан, яқинда 8-синф ўқувчилари ўртасида беллашув ташкил қилдим. 8-"А" ва 8-"В" синф ўқувчилари 5та шарт бўйича билим ва кўникмаларини синовдан ўтказди.

Мусобақада тарқатма материаллар, проектор ва слайдлардан фойдаландим. Биринчи шартга кўра, ўқувчилар ўз гуруҳини таништириб, фанга оид қизиқарли шеърлар, топишмоқлар айтишади. Тезкор саволларга бағишланган иккинчи шартда ҳар бир иштирокчига ўтилган мавзулар бўйича саволлар берилади. Масалан, "Кўпбурчакнинг диагонали деб нимага айтилади?", "Иррационал сонлар деб нимага айтамиз?" каби оддийроқ саволлар берилади. Агар ўқувчи саволга тўғри жавоб берса, икки балл, жавоб беролмаса, шу саволга гуруҳ ичидан жавоб изланади. Тўғри жавоб учун гуруҳ бир бални қўлга киритади.

Учинчи шартда икки гуруҳдан бир нафардан иштирокчи саҳнага чиқарилиб, слайд ёрдамида битта мисол берилади. Белгиланган вақт ичида ўқувчи мисолни ечиши керак. Ҳар бир тўғри ечим учун гуруҳга 3 балл тақдим этилади. Мисолнинг слайд ёрдамида кўрсатилиши ва ўқувчи уни ҳамманинг кўз ўнгида ечишининг сабаби қандай тартибда ечаётгани, қаерда, қандай хатога йўл қўяётганини бошқа ўқувчилар ва ўқитувчилар кузатиб борадилар.

Сўнгги шартда гуруҳлар аъзолари кроссворд ва мантиқий топшириқни ечишади. "Ўзидан бошқа барча бўлувчиларнинг йиғиндисига тенг сон ... дейилади", "Манфий сонлар олдига қандай ишора қўйилади?", "Агар икки соннинг кўпайтмаси бирга тенг бўлса, бу сонлар ўзаро ... сонлар дейилади", "Z={...-2, -1, 0, 1, 2...} қандай сонлар тўплами?", "Каср чизиғи остидаги сон", "Пропорция ҳадларидан бирини топинг" каби топшириқ ва саволларга жавоб топилса, кроссворднинг марказий қисмида (вертикал тарзда) "Мусбат" атамаси келиб чиқади. Мантиқий топшириқда эса кишининг бирор исмидаги ҳарфлар алифбодаги тартиб рақами бўйича сонлар кўринишида ёзилади. Масалан, 1 24 8 24 1 рақамлари ўрнига лотин алифбосидаги кетма-кетликда жойлашган ҳарфларни қўйиб чиқса, "АЗИЗА" исми келиб чиқади.

Бундай беллашувларни синфни икки гуруҳга бўлган ҳолда дарсда, дарсдан ташқари машғулотларда ҳам ташкил этиш мумкин. Натижада, дарсда барча ўқувчининг фаол қатнашишига эришилади.

Вайдулло ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Иштихон туманидаги 1-ИДУМнинг
математика фани ўқитувчиси

Интерфаол методлар асосидаги дарс

ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида фаолликни оширади

Таълим жараёнининг сифат ва самарадорлигини оширишда дарсларни илғор педагогик технологиялар, интерфаол методлар асосида ташкил этиш алоҳида ўрин тутади.

Интерфаол таълим ўзига хос ижобий сифатларга эга бўлганлиги учун ҳам фан ўқитувчилари ўз дарсларида бундай методларга кўп бор мурожаат этадилар. Мен ҳам дарсларимда интерфаол методлардан самарали фойдаланаман.

Интерфаол методлар кўпроқ жамоавийликка асосланган бўлиб, ўқувчиларни фаолликка чорлайди. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро фаоллик кузатилади.

Интерфаол таълим методлари, яъни билимларни ўргатиш ҳамда ўрганиш жараёнида таълим олувчининг ўзаро фаоллигини ошириш, билимларни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш масалаларига қадимдан буюк мутафаккирларимиз ўз шогирдлари билан олиб борган машғулотларида, ҳозирда эса педагог



олимлар ўз тадқиқотларида, амалиётчи педагоглар ўз амалий фаолиятларида алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Интерфаол метод асосидаги дарсларни мазмунан бойитишда мультимедиа воситаларининг ўрни алоҳида. Электрон ресурслардан оқилона фойдаланилган дарслар ўқувчиларнинг янги маълумотларга эга бўлишини таъминлайди, таълим самарадорлигини оширади, ўқувчиларнинг мустақил ишлашини ривожлантиради.

АКТга асосланган дарсда кўзларнинг толиқиб қолмаслиги учун жисмоний дақиқалар ўтказиш лозим. Бунда ўқувчиларга "Кўзларингиз билан учбурчак расмини чизинг, сўнг уни аста чап томонга ўгиринг, яна айлана чизиб, соат мили йўналишида кўзларингизни пастга-тепага машқ қилдиринг" каби вазифалар берилади. Иложи борича ўқитувчи болалар билан бирга бажариши муҳим.

География дарсларида "Мультимедиали дарс", "Жонли харита", "Географик машқлар" каби интерфаол методлардан ҳамда слайдли тақдимотдан фойдаланиш ўз самарасини беради.

Дарс жараёнида қўйилган асосий мақсад — кўзланган натижага эришишда илғор педагогик технологиялар, интерфаол методлар ўқитувчининг яқин кўмакчисидир.

Шоҳиста СОАТОВА,
Чилонзор туманидаги
164-мактабнинг география
фани ўқитувчиси

2017-yil 17-may, № 39 (9000)

Jarayon

Янги ДТС: Таълим-тарбия самарадорлигини янада ошириш омили

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори таълим-тарбия соҳасини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Қарорда кўзда тутилган вазифалар, янги давлат таълим стандартлари асосида тизимга татбиқ этиладиган ўзгаришлар хусусида Халқ таълими вазирлиги таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдураҳим Носиров мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мустақиллик йилларида таълим соҳаси тубдан янгиланиб, ўқитишнинг илғор усул ва методларини амалда қўллаш бўйича улкан тажриба тўпланди. Таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, ўқув-лаборатория анжомлари, замонавий ўқув-методик база татбиқ этилмоқда. Бугун замон шиддатли тарзда ривожланаяпти. Демак, умумтаълим фанларини ўқитишга замон талаблари асосида ёндашиш, таълимда энг илғор технологияларни қўллаш давр талаби. Умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўйича давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш мақсадида қабул қилинган мазкур қарор таълим-тарбия жараёнини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида қабул қилинган қарорда умумий ўрта таълимнинг янги давлат таълим стандартлари илова тарзида берилган. Янги ДТСнинг мақсади — умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат. Амалдаги давлат таълим стандартларининг мазмуни билим, кўникма ва малакалар мажмуи; таянч ўқув режа; ўқув дастурлари; баҳолаш мезонидан иборат эди. Янги ДТС таркибидан ўқув фанининг мақсад ва вазифалари; умумтаълим фанларини ўрганишнинг мазмуни; таянч ва фанга оид компетенциялар; умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича тайёргарлигининг зарур ва етарлича даражаси ҳамда таълим муассасалари битирувчиларига нисбатан қўйиладиган малака талаблари; таянч ўқув режа; ўқув дастурлари жой олди.

Ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини амалда қўллаш лаёқатини ривожлантиришга қаратилган янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаси уч йил давомида қатор умумтаълим муассасаларида тажрибасиновдан ўтказилиб, такомиллаштирилди. Хусусан, янги ДТСга фанга оид компетенциялар билан бирга коммуникатив, ахборот билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш каби таянч компетенциялар элементлари ҳам киритилди. Коммуникатив компетенция боланинг ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда мулоқотга кириша олиши, муомала маданиятига амал қилиши, мослашувчан ва ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатига эга бўлишини назарда тутади. Ахборот билан ишлаш компетенциясига эга бола эса медиаманбалардан зарур маълумотларни излаб топа олиши, саралаши, қайта ишлаши ва улардан самарали фойдаланиши, медиа- маданиятга эга бўлиши лозим.

Бундай ўзгаришлар ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтиришга муҳим асос бўлади. Бу келгусида юқори малакали ва рақобатбардош, компетентли мутахассис-кадрларни тайёрлаш ишларини янада жадаллаштиради.

Янги ДТСда ўқувчиларга умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари қўйилган. Эндиликда ўқувчилар ёши, ўзлаштириш қобилияти ва иқтидоридан келиб чиққан ҳолда эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенциялар 9+3 модели асосида билим даражалари билан белгиланади. Яъни, мажбурий минимал таълим мазмуни ҳар бир таълим босқичи учун қилиши, 65—70 сўздан иборат диктант ёза олиши, хабар, тасвир асосида 5-6 гапдан иборат матн тузиши, имло ва тиниш белгиларини тўғри қўллаши талаб қилинади. А2 даражасига эга 9-синф ўқувчиларига эса талаблар анча ортади. Сўз ва гапларни боғлаган ҳолда фикрини аниқ ва равон ёзма баён қилиш, 140—160 сўздан иборат диктант ёзиш, 20—25 гапдан иборат ижодий матн (баён, иншо) ва баённа режа тузиш, эпиг-



вийлик, узлуксизлик асосида тақсимланди. Жумладан, умумтаълим тизимида фанларни ўрганиш босқичлари шундай тартибда белгиланди: умумтаълим мактабларининг бошланғич таълими, яъни 4-синф битирувчилари А1 даража; умумтаълим фанлари чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослаштирилган мактабларнинг 4-синф битирувчилари А1+ даража; умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари А2 даража; умумтаълим фанлари чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослаштирилган мактабларнинг 9-синф битирувчилари А2+ даража; умумтаълим фанларига ихтисослаштирилмаган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари В1 даража; умумтаълим фанларига ихтисослаштирилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари В1+ даражада билимга эга бўлиши зарур.

Масалан, она тили бўйича ДТС талабларини олайлик. А1 малака даражасига эга бошланғич синф ўқувчиси берилган топшириқ, содда матнларни тинглаб тушуниши, матнни тушуниб ўқиши, оғзаки нутқда сўз ва гаплар талаффузига риоя раф танлаш, матнда бадиий тасвир воситаларидан ўринли фойдаланиш, расмий иш қоғозларини (ариза, маълумотнома, хат, таржимаи ҳол, эълон) ёзиш каби мезонлар шулар жумласидан. Бошқа фанлардан ҳам шу каби аниқ талаблар белгилаб берилди.

Яна бир жиҳат. Олдин баъзи фанлар, масалан, ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) фанидан бошланғич 2—4-синфлар учун, меҳнат фанидан 1—4-синфлар учун ДТС талаблари киритилмаган эди. Жисмоний тарбия, мусиқа, тасвирий санъат фанларидан (1—4-синфлар) ДТС талаблари инсон ва жамият фани таркибида қисқа берилганди. Янги ишлаб чиқилган ҳужжатда ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) фанидан 2—4-синфлар учун, меҳнат таълими, жисмоний тарбия, мусиқа, тасвирий санъат фанларидан 1—4-синфлар учун ДТС талаблари алоҳида ишлаб чиқилди. Жисмоний тарбия фанидан ДТСга ўқувчиларга шахмат ўйинини ўргатиш талаблари сингдирилди. Бу ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларининг бошланғич даражасини шакллантиришга хизмат қилади.

Олдингидан фарқли ўлароқ, янги ДТСда барча фанларни ўқитишнинг кучайтирилган даражаси учун алоҳида талаблар ишлаб чиқилган. Шунингдек, ўқув режага кўра, "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" фани 5-, 6-, 7-синфларда 0,5 соат ҳажмида мактаб компонентлари ҳисобидан ўқитилиб келинаётган эди. 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб, бу борада ўқув режага ўзгаришлар киритилади. Айни қарорга биноан фаннинг номи "Информатика ва ахборот технологиялари" тарзида ўзгартирилиб, дарс соатлари давлат компонентидан ажратилади.

Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани бўйича ҳам давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Бу фарзандларимизни Ватанга садоқат, миллий ғурур, умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида улғайтириш ишларига янгича мазмун бағишлаши шубҳасиз.

Бугун ўқувчиларнинг тўғри касб танлаши масаласига жамият тараққиётини белгиловчи омил сифатида қаралмоқда. Шу боис янги ДТСда "Меҳнат таълими" фани ўқув режада "Технология" фани деб ўзгартирилди ҳамда бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, кўп тармоқли йўналишларга асосланган ҳолда кенгайтирилди.

Айни пайтда янги ДТС, ўқитувчи ва ўқувчилар талабига тўлиқ жавоб бера оладиган замонавий дарсликлар яратиш устида мутахассислар гуруҳи томонидан қизғин иш олиб борилмоқда.

Таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган мазкур ўзгаришлар келгусида фарзандларимизнинг чуқур ва пухта билим олишига замин ҳозирлайди. Бу масъулиятли жараёнда тизимдаги барча педагог-ходимлар, ўқитувчилар ҳамфикр, ҳаммаслак бўлишлари даркор.

"Ma'rifat" мухбири
Илҳом ЖЎРАЕВ
ёзиб олди.

Gazeta va gazetxon

«Насиҳат дафтари»

ўқувчиларни иноқлаштиришга ёрдам беради

“Mar’ifat”нинг 2017 йил 1 апрель сонидаги “Ўқувчининг ўқувчига тазйиқи — буллинг синфда таълимий ва тарбиявий муҳитга путур етказади” (Райҳона Хўжаева) сарлавҳали мақолани ўқиб, мен ҳам худди шу муаммо бўйича қўллаётган тажрибамни ҳамкасбларим билан ўртоқлашишни лозим топдим.

3-синфга раҳбарман. 28 нафар ўқувчим бор. Тўғри, улар ҳали бошланғич синфда ўқишади. Аммо бола бошидан, деган нақл бекорга айтилмаган. Агар эътибор берсак, юқори синфдаги тўполончи, ерга урса, кўкка сапчийдиган ўқувчиларнинг аксарияти болалигиданоқ отнинг қашқасидек маълум бўлади. Шунинг учун бола мактабга келган пайтиданоқ улар ўртасидаги меҳр-оқибат ва аҳил-иноқлик туйғусини ривожлантириш керак.

“Насиҳат дафтари”ни жорий қилганман. Ҳар бир ўқувчи учун алоҳида тутилган бу дафтарга ҳар куни эринмасдан ўз белгиларимни ёзиб бораман. Агар ўқувчи ножўя иш қилган бўлса, унинг дафтарига сариқ рангли жарима белгиси ёпиштириб қўйиладди. Агар ўзини яхши тутиб, дарсда одобли бўлса, қизил, ҳаммадан яхши жавоб бериб, фақат аъло баҳо олган ўқувчи дафтарини эса яшил рангли рағбат белгиси безайди. Ҳар ой якунида кимда қайси рангли белги кўплигига қараб, ўқувчи рейтингини синф деворий газетасига расмлари билан жойлаштираман.

Жисмоний тарбия дарсида икки ўқувчим — Ойбек ва Отабек жанжаллашиб қолишибди. Бир-бирига жисмоний тазйиқ ўтказишга уринган болакайларни ҳамкасбим хонага бошлаб келди. Жанжал сабабини сўрасам, биттаси соат тақиб келиб, шеригига сенинг соатинг йўқ, дебди. Соатсиз боланинг жаҳли чиқиб, ўртада жанжал бошланган.

Бола барибир бола-да, бировда бор бу-юмга ҳаваси келади. Иккала ўқувчим билан алоҳида-алоҳида гаплашдим. Арзимаган нарсани деб ўртоқлар уришмаслигини, аҳил бўлса, келажакда қадрдон дўст бўлиб қолишини тушунтирдим. Ота-оналарини чақириб, катталар олдида бошқа уришмасликка сўз беришларини талаб қилдим. Ҳар қанча жанжалкаш ва гап уқмас бола бўлса ҳам, ота-онаси уни деб устозидан гап эшитишини истамайди.

Ўша куни уларнинг “Насиҳат дафтари”га шундай сўзларни ёзиб қўйдим: “Ўғлим, ақлли бола ҳеч қачон нарсасини ўртоғига кўрсатиб мақтанмайди. Бу одобдан эмас. Ҳақиқий ўғил бола муаммони жанжалсиз ҳал қилиш йўлини ҳар доим топа олади. Сен ҳам шундай йўл тутсанг, синфдошларинг ҳурмат қилади!”. Эртаси куни уларни кузатдим. Насиҳатимни инобатга олдими ёки яна аввалгидекми? Кечагина бир-бирини турткилаётган болаларнинг бугун бир партада ўтириб, китобни биргалашиб ўқиётганини кўриб, хотиржам бўлдим.

Мақола муаллифи ёзганидек, ўқувчилар ўртасидаги келишмовчиликнинг олдини олиш учун улар ўртасидаги тенгсизликни йўқотиш керак, деган қоидага мен ҳам амал қиламан. Ўқувчиларим фақат мактаб формасида келишади. Қизларга сочини ўриб юришини, қулоқ ва бўйнига, қўлига ҳар хил тақинчоқлар тақмаслигини тайинлайман. Қолаверса, бир-бирига тазйиқ ўтказиш, устидан кулиш ва масхаралаш бекорчиликдан келиб чиқади. Ҳар бир ўқувчи ўз қизиқиши ва иқтидорига кўра тўгаракка жалб қилинган. Банд бўлган бола тенгдошлари билан турли низоларга боравермайди.

“Насиҳат дафтари”га доимо яхши гаплар ёзилишини истаган ўқувчиларим орасида низо ва зиддиятлар умуман кузатилгани йўқ. Дафтар ота-оналарга ҳам маъқул келди. Фарзандлари ҳақидаги яхши ёки ножоиз гап уларда тарбияга нисбатан тўғри ёндашувни шакллантирмоқда.

Моҳигул ТОШМУРОДОВА,
Жарқўрғон туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси

«Ma’rifat» газетасининг 2017 йил 22 февраль сонида эълон қилинган филология фанлари доктори, профессор Бахтиёр Менглиевнинг «Она тили таълими» туркумидан «Давр талаби ва ижтимоий зарурат» мақоласини алоҳида диққат ва эътибор билан ўқиб чиқдик. Аввало, газета саҳифаларининг юқори қисмидаги «Ўн, кейинчалик ўн бир, бора-бора ўн икки йиллик ўрта таълимга ўтгач, она тили таълими ўзининг асл мақсадидан чекиниб, асосан, тилшуносликка айланиб қолди», «Сўз, ибора, мақол, маталлар, уларнинг қўлланиши, имлоси каби масалалар мактаб она тили таълими мазмунининг асоси, ўзагини ташкил этиши лозим» чақириқлари йиллар давомида кўнглимизда, қалбимизда жунбуш ураётган, аммо овоз чиқариб айтишга андиша қилаётган дардимиз ифодаси эканлиги билан эътиборимизни жалб қилди.

Умумтаълим мактабларида катта тажрибага эга устоз ўқитувчиларнинг она тили ва адабиёт дарслари моҳияти жиҳатдан математика, физика, кимё, биология ва бошқа фанлардан кескин фарқ қилиши ҳақидаги мулоҳазалари замон келиб, энди оммавий ахборот воситаларида эълон қилинибди. Гап шундаки, юқорида қайд этилган аниқ фанларни умумтаълим тизимида ўқитишдан мақсад фан асослари ҳақида ўқувчида дастлабки маълумот пойдеворини ҳосил қилиш бўлса, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси учун тилшуносликка ва адабиётшунослик асослари юзасидан маълумот бериш бош мақсад ҳисобланмайди. Бизнинг асосий вазифамиз ўқувчини ўз тилида чиройли сўзлашга, мустақил фикрини равон, тушунарли тилда ифодалай олишга, фикрини иншода қийналмай баён этишга ўргатиш, уни аждодларимиз қадриятларига содиқ инсон ва, асосан, китобхон қилиб тарбиялашдир.

Мақолавий бош ният ўрта таълим тизимидаги она тили ва адабиёт дарсларининг юқорида қайд этилган бош вазифасини эсга солишдан иборат. Туркум белгисида «Она тили таълими муаммоларини адабиётдан холи равишда кун тартибига қўйиш ва муҳокама қилиш мумкин эмас. Шунинг учун биз ўз мулоҳазаларимизни икки йўналиш уйғунлигида баён қилишни маъқул кўрамиз. «21 февраль — Халқаро она тили куни» муносабати билан Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетининг бир гуруҳ мутахассислари иштирок этганлиги мақсадга мувофиқ бўлган.

Етакчи олимлар фикрини умумлаштирган муаллиф Бахтиёр Менглиев мақолада она тили таълими муаммоларини аниқ ва изчил тарзда баён этибди. Мақола «Муаммонинг долзарблиги», «Ютуқлари», «Такомиллаштириш зарурати», «Мактаб» ва мактаб» каби етти кичик сарлавҳадан иборат бўлиб, улар газетхонга бевосита қандай масала устида баҳс бораётганини эслатиб туради. Бизнингча, мақоланинг моҳияти қуйидаги жумлада ўз ифодасини топган: «...мутахассислар сифатида «Она тилимиздаги нутқ амалиёти учун ишламайдиган илмий талқинларни камайтириб, ундаги оғзаки ва ёзма нутқий компетенцияни, тил бўйича амалий лаёқатни ривожлантирадиган жиҳатларни кучайтириш долзарб вазифа деган хулосага келдик». Ҳақиқатан ҳам, олимларнинг бу хулосасини ҳаёт, мактаб таълими тақозо этмоқда. Мустақиллик шароити илм олишдан тортиб ҳунар ўрганишгача бўлган фаолиятни амалий татбиқ этиш билан боғлаб, ҳаётда қўллашга ўргатмоқда. Мактаб ўқувчилари ҳам, аввалгилардан фарқли ўлароқ, ўрганиладиган мавзу эълон қилингани заҳоти «Бу нима учун керак, яъни биз бу мавзуни нима учун ўрганамиз?» — деган савол билан мурожаат қилишга ўрганиб бормоқда.

Мақола давомида билдирилган асосий мулоҳазалар юқорида кўрсатилган иқтибосни изоҳлашга, шарҳлашга қаратилган. Таълим мақсадининг янгиланиши бўлимида: «...мустақил ва ижодий тафаккур соҳибини етиштириш, уларда фикр мақсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ва лўнда ифодалаш малакаларини шакллантириш» тарзида умумлаштирилган таълим мақсади бизнинг она тилимиз таълимидан бошқа миллий тиллар таълимида учрамайди, десак, муболаға бўлмайди», — дейилади. Бу эса ўтган йигирма беш йил давомида олимларимиз, методистларимиз, дарслик муаллифларининг бугунги кун талабларига жавоб бера олувчи комил инсонни тарбиялашда ўз бурчларини бажараётганликлари далилидир.

Муаллиф мазкур соҳа мутахассисларининг ўтган вақт давомида ўзбек тилининг соф тупкона табиатини илмий тавсифлашда, она тили таълимида когнитив-прагматик методни татбиқ этишда яхши фаолият кўрсатганларини алоҳида таъкидлаган: тўғри йўл тутган. Айни пайтда: «...қанчалик улкан ютуқларга эришмайлик, у кечанинг мулки бўлиб қолаверади», — деганларидек, умуман, таълим тизимида, шу жумладан, она тили таълимида янги манзил сари интилишимиз, имкон даражасида замон билан ёнма-ён қадам ташлашга уринишимиз лозимдир.

Профессор Бахтиёр Менглиевнинг она тили таълими йўналишидаги асосий таклифлари мақоланинг «Такомиллаштириш зарурати» бўлимидан бошланади. Аввало, олим **таълим мазмуни**ни ислоҳ қилишнинг сабабларини кўрсатади, бу ўринда она тили таълими чуқурлашиб кетганини ва соддалаштирилган тилшунослик фани даражасига етганини қайд этади. Она тили дарсликлари асосида тузилаётган тест саволлари ҳаддан ташқари илмийлаштирилиб юборилганини таъкидлайди. Олимнинг мулоҳазаларини давом эттириб, масалага ойдинлик киритмоқчимиз. Келинг, дастлаб давлатнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари олдига қандай буюртма қўяётганини билиб олайлик. Тўғри, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар тизими ишлаб чиқилган. Ўқитувчининг ўқув дастурига биноан фан негизларини пухта билиши, машғулотларни янги, замонавий технология асосларига мос ҳолда уюштириши, ўқувчида мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришга эришиши ва ҳоказолар бунинг таркибини ташкил этади. Афсуски, бу мажбуриятларни ўқитувчи машғулот давомида қай даражада бажараётгани аксари ҳолларда бевосита дарс машғулотларида эмас, синфдан ташқари вазифаларда: ўқитувчи билимини синовчи тестлар ўтказиш, тренинглар уюштириш, дарс ишланмалари ҳужжатларини текшириш йўналишларида амалга оширилмоқда. Синф ўқитувчисининг ўз устида ишлаши, методик адабиётларни ўзлаштириши, машғулот самарасини ошириш йўлларини излаши учун ажратадиган вақти навбатдаги текшириш саволларига жавоб тайёрлаш, ҳар бир ҳаракати ва қадами мухрланган ҳужжатларни расмийлаштириш учун сарф этилмоқда. Янги технологик жараённинг ҳаётга татбиқ этилишини текширувчи ҳайъат аъзолари эса ҳужжатларни ўрганиш билан овора бўлиб, камдан-кам ҳолларда дарс жараёнини кузатишмоқда. Ўқитувчига бериладиган баҳо у уюштираётган машғулот сифати билан эмас, тайёрлаган ҳужжатларининг мукаммаллиги билан белгиланиши анъанага айланиб кетди. Дарс кузатилганда эса қанчалик кўп ўйинлардан фойдаланиш, ноанъанавий усулларни қўллаш амалга оширилса, машғулот самарали ўтди, деган тушунча пайдо бўлди. Аслида, ўқитувчи савияси, машғулот самарасини ўйинлар, ноанъанавий усулларнинг қай даражада ўзлаштира олгани ва амалда қўллаш малакасини эгаллагани билан баҳолаш керак эмасми?!

Ўқитувчига бериладиган баҳо у уюштираётган машғулот сифати билан эмас, тайёрлаган ҳужжатларининг мукаммаллиги билан белгиланиши анъанага айланиб кетди. Дарс кузатилганда эса қанчалик кўп ўйинлардан фойдаланиш, ноанъанавий усулларни қўллаш амалга оширилса, машғулот самарали ўтди, деган тушунча пайдо бўлди.

Ўнлаб йиллар давомида ўзлаштирилган тажриба ўқувчи олган билимнинг даражасини, асосан, олий ўқув юртига ўқишга кириш имтиҳонларининг тизими белгилашини исботлаб бўлган. Она тилидан олий ўқув юртига ўқишга кириш имтиҳонларидаги тест саволлари эса тилшуносликнинг эгаллаб бўлмас чўққилари сари интилмоқда. Интилганда ҳам чуқур билим эгаллаш воситасида эмас, асосан, маълумотларни ёд олиш эвазига чора излаш билан белгиланиб қолмоқда. Оқибатда, мактаб ўқитувчиси ҳам, ўқувчи ҳам вақт ўтгани сари

Айни муддао

мақолада қайд этилганидек: «...она тили саболарни гўё соддалаштирилган тилшунослик фани мазмунидек тасаввур уйғота бошлаган...”ига кўникди ва бутун эътиборини қоидалар мажмуини ёдлашга қаратди. Она тилимизнинг гўзал муомала воситаси эканлиги, Алишер Навоий асос солган, «Бобурнома», «Ўткан кунлар», «Икки эшик ораси» ёзилган адабий тил экани эсдан чиқди ва «...она тили бўйича тест саволларининг ҳаддан ташқари илмийлаштирилиб юборилаётгани тўғрисида тест қоидалар тизимини ёдлашга йўналтирилди. Бу вазиятни, бирон тиниш белгисини ўзгартирмаган ҳолатда, адабиёт фани ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Аслини олганда, она тили дарсларида ўқувчи тўғри талаффузни, имлони ўрганиши, сўз санъати жозибасини ҳис қилиши, сўз маъносининг кўчиши ва бунинг натижасида кўп маъноли сўзнинг пайдо бўлиши ҳодисаларини ўрганиши лозим.

Давлат буюртмасига қайтайлик. Аслини олганда, она тили дарсларида ўқувчи тўғри талаффузни, имлони ўрганиши, сўз санъати жозибасини ҳис қилиши, сўз маъносининг кўчиши ва бунинг натижасида кўп маъноли сўзнинг пайдо бўлиши ҳодисаларини ўрганиши лозим. Оқибатда, ўқувчида сўз бойлигини орттиришга интилиш туйғуси шаклланади, ўзлаштирилган эҳтимоллар имкониятларидан амалда тўғри фойдаланади.

Сўз маъносини англашда, ўзбекона лутф, қочирим, киноя санъатларини ўрганишда, зукколикни ўстиришда, сўзларнинг кўчма маъносини, шаклдош сўзларнинг нуткдаги аҳамиятини билиш, адабиёт фанидан ўрганиладиган асардан фойдаланиб таҳлил қилиш, *амалий нуткда машқ қилиш* мақсадга мувофиқ. Аммо, бизнингча, кўчма маъноннинг метафора, метонимия ёки синекдоха усулида ҳосил бўлаётганини тилшунослик нуқтаи назаридан билишнинг ўқувчи учун ортиқча зарурати йўқ. Хусусан, вазифадошлик деган мавзуни билмаса ҳам, «автомобилнинг эшиги» бирлигидаги «эшик» сўзи уй эшигига ўхшаш вазифани бажаришини билади-ку.

Морфология бўлимида муаллиф келтирган мавзуларни маъқуллаган ҳолда, адабий нуткнинг кўркам бўлиши учун келишик қўшимчаларининг маънодошлиги ва маъно фарқлари, белгили ва белгисиз қўлланиш сабабларини билишнинг аҳамиятга моликлигини таъкидламоқчимиз. Нутқ билан алоқадор мавзулар моҳиятини белгилашда, уларни тасдиқлаш ёки инкор қилишда кўп йиллик тажрибага суянган ҳолда йўл тутиш лозим.

Бизнингча, профессор таклиф қилаётган она тили фанини ўқитиш жараёнидаги изоҳотни мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларидаги дастур ва мавзуларда учраётган ҳар хилликни бартараф қилишдан бошлаш керак. Айрим мисолларга мурожаат қиламиз:

— Она тили фанининг синтаксис бўлимидаги тўлдирувчи ва ҳол бўлакларини фарқлаш муаммоси:

«Чизмани китобдан дафтарга кўчирдим» (8-синф. 97-бет, 197-машқ). Ушбу машқдаги «китобдан», «дафтарга» сўзлари воситали тўлдирувчи сифатида берилган. Ўқувчининг: «бу нинг содда ёки қўшма гап эканлигини билиш ўқувчи учун нима беради? Шу билан сўз бойлиги ортиб, нутқи кўркамлашадими?

Ўтган дарсларида 80-йилларда бўлиб ўтган бир лаҳзалик воқеа умрим бўйи хотирамда муҳрланиб қолган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)да ўқишга қабул қилиш имтиҳонлари авжи қизиган август ойининг дастлабки ўн кунлиги. Бир пайтнинг ўзида минглаб абитуриентлар она тили ва адабиёт фанидан иншо ёзишмоқда. Қабул имтиҳонида иштирок этаётган ёш ўқитувчи сифатида факультетимиз декани Сиддиқ Фузайловга иншони ёзишда шпаргалкадан фойдаланиш кўпайиб кетаётганини айтиб, шикоят қилдим. Устозимиз ўта оғирлик билан:

— Омонулла, ўша шпаргалкадан фойдалана-ётган ўқувчилар иншони ўзлари кўчириб ёзишяпти-ми? — дея сўрадилар.

Мен яна тутақиб кетдим:

— Ахир, ўзлари ёзишмаяпти. Кўчиришяпти.

Домла яна оғирлик билан табассум қилиб сўради:

— Ўша шпаргалкадан абитуриентнинг ўзи кўчириб ёзяптими?

Мен фикрларини тасдиқладим. Шунда устозимиз менга тушунтирди:

— Албатта, шпаргалкасиз иншо ёзиши жуда маъқул. Аммо шпаргалка билан ёзишни уддаласа ҳам, ёмон эмас. Аввало, ўзи ёзяпти. Қўли ёзишга келган. Ундан кейин, ёзаётган фикрини, албатта, камида уч марта ўқийди: шпаргалкадан фойдаланганида, ёзаётганида ҳамда иншони текшираётганида ўқийди. Буларнинг ҳаммаси боланинг онгида, руҳида, табиатида из қолдиради. Бизга шунинг ўзи етади. Назоратни бўшаштирманг. Битта-иккита бола назоратингиздан четда қолса, ортиқча хуноб бўлманг. Охир оқибатда иншонинг ёзилишидан биз мутлақо ютқизмаймиз.

Мана, катта устозларнинг ўқувчи ёзма нуткига бўлган муносабати. Афсуски, бугунги кунда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берувчи ҳамкасбларимиз иншога энг охирги, деярли ортиқча мажбурият сифатида муносабат билдирмоқда. Олий ўқув юртига қабул имтиҳонларидан эса ёзма иш олиб ташланган. Фақат айрим факультет абитуриентлари ижодий иш сифатида иншо ёзмоқда. Оқибатда, адабиёт дастури бўйича ўқитиладиган йирик бадиий асарларни ўқиш ҳам сусайди. Ўқувчининг ёзма нутқи қониқарсиз ҳолатга тушди. Олий ўқув юртларини тугатаётган мутахассисларнинг билим даражаларини ҳам талабга жавоб беради, дея олмаймиз. Ваҳоланки, Алишер Навоийнинг муншаоти, Бобурнинг Ҳумоюнга ёзган мактуби, «Мехробдан чаён»даги Солиҳ маҳдумнинг Абдурахмонга иншосининг заифлиги юзасидан билдирган эътирозлари бизга, айниқса, юртимизнинг мустақиллигида дарс бераётган ҳамкасбларимизга ўгит бўлиши шарт. Эсдан чиқармайлик, ёзма нутқи шаклланмаган ўқувчи ҳеч қачон тўлақонли инсон бўлолмайди. Олий ўқув юртларида ўқиётган минглаб фарзандларимизнинг ёзма нутқ малакаси даражасини оралиқ, якуний назорат иши олаётган катта устозлардан сўранг. Ахир, талабанинг ёзма нутқи захирасига айнан биз — умумтаълимда ўзбек тили ва адабиёти дарсини олиб бораётган ўқитувчилар жавоб беришимиз керак эмасми? Юртимизнинг келажаги мактаб ўқитувчиларининг қўлида, дейилганда, мана шундай нозик масалалар кўндаланг туради. Она тилини ўқитишда тилшунослик асосларига куч сарфлагандан кўра ўқувчининг оғзаки ва ёзма нутқ малакасини оширишга эътибор берсак, кўпроқ фойда кўрармиканмиз, деган мулоҳазадамиз.

«Ma’rifat»имизда кўтарилган муаммонинг она тили машғулотлари сифати даражасига таъсири ҳар қандай ҳолатда ҳам долзарб ва маъқулдир. Шубҳасиз, Бахтиёр Менглиевнинг мақоласи юртимиздаги тажрибали ўқитувчилар эътиборини жалб қилди. Биз ҳамкасбларимизнинг, баъзан кўриниб турадиган лоқайдликдан воз кечиб, мазкур мақола юзасидан фаол муносабат билдиришларини истар эдик. Чунки мақолада бизнинг дарсларимиз ҳаёти, демак, бизнинг келажагимиз муҳокамадан ўтмоқда.

Шу ўринда, қуйидаги амалий таклифларимизни юқоридаги фикрларга илова қилишни истардик:

1. Оммавий ахборот воситаларида: радио, телевидение, таълим тизимидаги махсус журналлар, газеталарда мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари бирлашмаларига мулоҳазаларга Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг амалий муносабат билдириб боришини илтимос қиламиз.

2. Ўзбек тили ва адабиёти фанининг ўқитилиши бўйича Республика назарий, методик, амалий конференциясини уюштириш лозим. Конференцияда қўлга киритилган ютуқлар қатори кўпроқ таклиф ва мулоҳазаларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур конференция прагматизм асосида ташкил қилиниши керак.

3. Ўзбек тили ва адабиёти фанидан тузилаётган дарсликлар мазмунини белгиловчи концепция ишлаб чиқиш, унда методист устозлар ҳамда ҳозирда таълим жараёнига инновацияларни татбиқ этиб, юқори самарадорликка эришаётган ёш педагоглар иш тажрибаларидан ижодий фойдаланиш ва бунда Бахтиёр Менглиев мақоласидаги таклифларни инобатга олиш, моҳият жиҳатдан дарсликларга сингдириш йўлларини аниқлаш лозим.

4. Фикримизча, кейинги йилларда она тили ва адабиёт фанини ўқитиш нуфузининг йўқолиб бораётганига бош сабаблардан бири бу икки фан уйғунлигини таъминловчи иншо ёзишга бўлган талабнинг сусайишидир. Иншо ёзишга бўлган талабнинг сусайиши эса олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилиш имтиҳонларида иншо ёзиш синовининг мавжуд эмаслиги билан шарҳланмоқда. Шунинг учун тест саволларига жавоб беришдан аввал абитуриент тест имтиҳонларида қатнашиш ҳуқуқини иншо ёзиш орқали қўлга киритиши керак, деб ўйлаймиз. Иншога қўйиладиган баҳо тест натижаларига таъсир қилмайди, фақат ўқитувчи томонидан қўйилган «ўтди» баҳоси тест имтиҳонларида қатнашиш ҳуқуқини тасдиқлайди, холос. Олий таълимда билим олиб комил мутахассис бўлишда иншонинг муҳокамага муҳтож бўлмаган аҳамияти ўнлаб йиллар тажрибаси асосида синовдан ўтган.

Омонулла МАДАЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент
Шарофат ТОШМИРЗАЕВА,
ХТВ тасарруфидаги филология факультетларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

Қизиқувчанлик фожиаси

(«Ma’rifat» газетасининг 2017 йил 19 апрель сонидаги Шавкат Тўраевнинг “Виртуал хавф реал фожиаларни келтириб чиқармоқда” мақоласини ўқиб).

Кейинги вақтларда турли ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилиб, кенг жамоатчиликнинг баҳс-мунозарасига сабаб бўлаётган ёшлар онгу тафаккури, ҳатто ҳаёти учун хавфли ўйинлар ғараз ниятли кимсаларнинг яна бир қора ишга қўл урганлигини кўрсатмоқда. Муаллифнинг ана шу хавфни халқаро ва маҳаллий доирада таҳлилга тортганлигини қўллаб-қувватлайман. Ёш болалар ва ўсмирлар бунинг асл мазмун-моҳиятини англамай туриб, сўз, видео, расм, мусиқа, турли хилдаги карахт қилувчи овозлар таъсирида тушкунлик ҳолатига тушиб қолишмоқда. Натижада, бола бу ўйиннинг “кўғирчоқлари”га айланиб, аттоки ўз жонига қасд қилишгача боришяпти.

Бу каби ўйинларни ўйнаш бора-бора иштирокчини ижтимоий тармоқдаги айрим гуруҳларга қўшиб қўяди. Табиийки, бу турдаги виртуал суҳбат, ўйин, видео, сурат ва қўшиқлар одамни фожиага бошлайди. Ёшларнинг ҳаётий тажрибаси йўқлиги, ҳар нарсага ишонувчанлиги, мустақил ва собит фикрга эга эмаслиги, ўйин-кулгуга қизиқувчанлиги каби омиллардан фойдаланган бошқарувчилар катта ёшдагиларни ўйинда иштирок этишга қўйишмас экан. Бу ўйинга кириш шарти тиғ билан қўлга китнинг расмини тилиб тушириш эканининг ўзиёқ ўйиннинг кейинги босқичлари жуда даҳшатли эканлигини кўрсатади. Таассуфлар бўлсинки, айрим ёшлар виртуал ўйинга ҳаддан ташқари қизиқишлари натижасида ваҳшийлик таъсирида турли хил руҳий хасталикларга чалиниб қолиши эҳтимолдан холи эмас. “Кўк кит” ўйинига ишқибоз бўлганларнинг таъкидлашича, гуруҳга асосан ҳаётнинг оғирлиги, яшаш қийинлашиб кетгани, ўзини ўлдириш ҳақидаги кадрлар туширилган фото ва видеолар юкланади. Бу эса ўсмир психологиясига салбий таъсир кўрсатади. Ўсмирда кузатиладиган оддий бир ҳолат эса кишини ўйга толдиради, бу — қизиқувчанлик. “Мени алдай олмайди”, деб ўйинга қизиқиб кирган бола аста-секинлик билан ўз психикасига ҳужум уюштирилганини, уни ҳам ўз ноғоналарига ўйната бошлаганларини сезмай қолади.

Эътиқоди соғлом кишини ҳеч қандай ёт ақида ёки маънан бузуқликка олиб борувчи маълумотлар йўлдан оздира олмайди. Айни пайтда бундай ғоялар кураши интернет орқали кенг қулоч ёзгани ҳеч кимга сир эмас.

Хўш, ёшларимизни «ўргимчак тўри» орқали келаётган хавфдан қандай сақлаб қоламиз? Муаллиф таъкидлаганидек, фарзандларимизга интернетдан фойдаланишда тақиқловчи дастурлар қўймасак, бунинг оқибатларидан халос бўла олмаймиз. Албатта, биз тараққиётга қарши эмасмиз, фақат оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратишда нуридийдаларимизга кўз-қулоқ бўлсак, дейман. Ҳар бир қилган савоб ва гуноҳ ишимизни Яратган кўриб турганлиги ҳақидаги тарбиявий руҳни уларда уйғота олишимиз керак.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Юнусобод тумани бош имом-хатиби,
Тошкент ислом институти ўқитувчиси

Обод воҳага ярашган муассаса

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан умумтаълим мактаблари қатори жисмоний имконияти чекланган болалар учун ихтисослашган ўқув муассасаларини замонавий типда бунёд этиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Жорий ўқув йилида Хива шаҳридаги 121-кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати учун ҳар томонлама қулай шароитларга эга 120 ўринли янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

62 йиллик тарихга эга мазкур билим ўчоғи ўз даврида нафақат Хоразм вилояти, балки Қорақалпоғистон ва қўшни Туркманистон Республикаларидан келган кўзи ожиз болаларни ўз бағрига олиб, вояга етказган. Мактаб-интернатнинг эски биноси меъёрий талабларга умуман жавоб бермасди: ўқувчилар учун синф ва ётоқхоналар етишмас, амалий машғулот хоналари, спорт майдончалари мавжуд эмасди. Қайта-қайта таъмирланиши натижасида бинонинг умумий ҳолатига жиддий путур етарди.

— Ёшлар таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасидаги масаладир, — дейди мактаб-интернат директори Қ.Ризаев. — Янгидан-янги ўқув муассасаларининг бунёд этилаётгани, ўқувчилар билим ва салоҳиятини ошириш учун яратилаётган шароит бунга яққол мисолдир. Тарбияланувчиларимиз замонавий ўқув биносида таълим олиш имконига эга бўлганидан жуда мамнун.

Мактаб-интернатда капитал реконструкция ишлари жадал суръатда олиб борилди. Иншоотни қуриш ва жиҳозлаш учун бюджетдан 2 миллиард 881 миллион 765 минг сўм маблағ сарфланди. Хива шаҳри марказида қад ростлаган, ҳудуди 1 гектарни эгаллаган муассасада ўқувчиларнинг билим эгаллаши учун зарур барча имкониятлар юзага келди: кенг ва шинам синфхоналар, лаборатория, кутубхона, ошхона, 100 ўринли ётоқхона. Синфхоналарда ҳар бир ўқувчининг махсус предметдан фойдаланишига мос парта, зарур мебель жиҳозлари, ёриткичли доскалар ўрин олган. Меҳнат, физика, кимё хоналари тифлотехник воситалар билан таъминланди. Маънавият ва маърифат, мусиқа хоналарида болаларнинг дарсдан ташқари бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун шароит етарли.

Ётоқхонада дарс тайёрлаш, ҳордиқ чиқариш, тиббий хизматдан фойдаланиш мумкин. Ҳар бир хонада стол-стул, шкаф ва юмшоқ мебеллар мавжуд. Замонавий телевизор, маиший техника воситалари — кир ювиш машинаси, чангютқич, дазмол ўқувчилар хизматида. Муассаса ҳудуди кўзни қувнатади. 100 туп арча ўтқазилиб, кўркам боғ барпо қилинди. Спорт майдончаси ўқувчиларни битта даврага жамлайди.

Кўзи ожиз болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, муайян касб-ҳунарга йўналтириш анча мураккаб. Бунинг учун педагогдан катта меҳнат талаб этилади. Мактаб-интернат ўқитувчи-мураббийлари саъй-ҳаракати билан ҳар йили ўқувчилар ўз қизиқиш ва қобилиятига кўра ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқишга жойлаштирилмоқда. Мактаб-интернат тарбияланувчиларининг 70 нафари Хива шаҳридаги 5-мусиқа ва санъат мактабида таҳсил олаяпти.

Мактаб-интернат педагогик жамоаси Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси Хоразм вилояти бўлими билан ҳамкорлик ўрнатган. И.Сафоева, О.Собиров, Ч.Каримова каби ўқувчилар турли машғулотларда фаол иштирок этиб, юртимиз ва халқаро майдонларда ўтказилаётган мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Бунда Ҳ.Матчонов, Ф.Машарипов, Р.Жуманиёзов каби мураббийларнинг хизмати катта.

— Малакали педагоглар саъй-ҳаракати билан дарс ўтиш сифати йилдан йилга яхшиланаяпти. Бироқ, машғулотлар сифат даражасига салбий таъсир этадиган айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. — дейди мактаб-интернат директори Қ.Ризаев. — Ёзув приборлари, махсус ўқув қуроллари ва кўргазмали воситаларга эҳтиёжимиз катта. Математика, география фанларига доир, айниқса, бошланғич синфларга мўлжалланган бўртма шаклдаги кўргазмали қуроллар етишмаяпти. Бу камчилик бартараф этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Икром РАЖАБОВ

Хоразм вилояти

Имконияти чекланган ҳар бир ўқувчи соғлом тенгдошлари қатори тенг ҳуқуқли шароитда таълим олиши, дунёқарашини шакллантириши, мамлакатимиз ва халқаро миқёсда бўлаётган ҳодиса ва воқеаларни ўз имконияти, қобилияти, қизиқишлари даражасида қабул қилиб, таҳлил эта билишини таъминлашга педагог-мураббий, тарбиячилар ҳамиша масъулдир. Бундай болаларнинг ривожланиши, билим олиши, ҳаётий кўникма, руҳий ва жисмоний имкониятларини соғлом тенгдошлари даражасига яқинлаштириш уларни жамиятга тўлақонли мослаштириш гаровидир.

Интерфаол усул ўзаро ҳамкорликка асосланади

Maxsus ta’lim

Махсус таълим муассасалари фаолиятига янги инновацион технологияларни жорий этиш долзарб аҳамиятга эга. Бунинг учун ногирон болаларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш талаб қилинади. Ана шундагина коррекцион мақсадни амалга ошириш қийин кечмайди, бола ортиқча зўриқмайди. Амалиётда кўзи ожиз ва заиф кўрувчи, таянч ҳаракат аъзоларида нуқсони бўлган болаларга умумтаълим ўқув дастурлари жорий қилинган бўлса, кар ва заиф эшитувчи, ақлий жиҳатдан носоғлом бўлган ўқувчилар таълим-тарбиясида алоҳида ўқув материалларидан фойдаланилади. Фанларни ўқитиш жараёнида ўқитувчи ахборотни ўқувчига кўргазмали, тегишли техник воситалар ёрдамида етказиб беришнинг ўзига хос коррекцион усулларига таянади. Жараёнда ўзаро мулоқот, суҳбат, гуруҳ билан ишлаш усулларини қўллаётган педагог-мураббийлар ижобий натижага эришмоқда. Махсус таълим муассасаларида интерфаол методларни қўллаш орқали ўқувчилар фаоллиги ва мустақиллигини ошириш кўзда тутилади. Ушбу методлар ҳар бир ўқувчини танқидий фикрлашга ундайди.

Педагог ходимлар ҳар уч йилда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтининг шу йўналишдаги кафедраси янгиликларидан бохабар қилиб борилмоқда. Ҳар йили махсус таълим муассасасининг ўртача 800 нафар педагог ходимлари малака ошириш курсларида ўз тажрибаларини бойитадилар. Мазкур курсда педагогик технологиялар модели учун 18 соатлик мавзулар мажмуи ажратилган бўлиб, тингловчилар интерфаол усуллар моҳияти ва дидактик имкониятларини ўзлаштиради. Малака ошириш курсининг мустақил таълим учун ажратилган вақтларида Республика таълим маркази махсус таълим бўлими мутахассислари тингловчиларга қўшимча тегишли кўрсатмалар, маҳорат сабоқлари бериб бормоқда. Қолаверса, 2016-2017 ўқув йили учун чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар мазмунига "Гуруҳда ишлаш", "Жуфтликда ишлаш", "Тақдимот" каби бир қанча усуллар асосида топшириқлар сингдирилган. Келгусида РТМ сайтида махсус таълим муассасалари педагог ходимлари учун интернет форум ташкил этиш режалаштирилган.

Интерфаол таълимда ўқитувчи ва ўқувчи, тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасида ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик, қўллаб-қувватлаш муҳити юзага келади. Бу ҳамкорлик ўқув материалини осон ва енгил ўзлаштиришга хизмат қилиб, таълим жараёни иштирокчилари ўртасида руҳий яқинлик кайфиятини ҳам пайдо қилади.

Интерфаол таълимнинг энг муҳим жиҳати педагогик жараённинг бола шахсига йўналтирилганидир. "Кластер", "6x6x6", "Фикрларнинг шиддатли ҳужуми", "Ақлий ҳужум", "Фикрий ҳужум", "Ялпи фикрий ҳужум", "Қарорлар шажараси" ("Қарорлар қабул қилиш технологияси"), "Қора қути", "Бешинчиси (олтинчиси, ўттинчиси, ...) ортиқча", "3x3" ("4x4", "5x5", ...), "Расмларни тўғри жойлаштир", "Қизил ва яшил карточкалар билан ишлаш", "Видеотопишмоқ", "Юмалоқланган қор ўйини", "Заковатли, зукко", "Қарама-карши муносабат", "Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим", "Зиг-заг", "Венн диаграммаси", "Инцерт стратегияси" ва бошқа интерфаол усуллардан махсус таълимда самарали фойдаланилиши натижасида бола шахсининг ўзига хос қирралари кашф этилмоқда. Ролли ўйинлар, қувноқ ўйинчоқлар, расмлар ўртасидаги боғлиқлик, рефлексия, ишбилармонлик ўйинлари, дебатлар, амалий тренинглар, дастурий таълим, баҳс-мунозаралар, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, намойиш ёки ҳимоя (тақдимот), видеотаҳлил, интервью каби номлар билан аталувчи интерфаол методлар Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги махсус таълим муассасаларида кенг жорий қилинган. Бу методларнинг барчаси муайян даражада дидактик имкониятга эга. Таълим тури, ўрганилаётган фан ва мавзу йўналиши, ғояси, кўлами ва бошқа жиҳатларга кўра, уларни тўғри танлай олиш мақсадга мувофиқдир.

Махсус таълимга жалб этилган ўқувчиларнинг жамиятдан муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, касб-ҳунар ўрганиши учун шарт-шароит яратиш ота-она, педагог ва мураббийлардан катта масъулият талаб қилади. Интерфаол таълим усулларини қўллаш эса имконияти чекланган ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувида муҳим роль ўйнайди.

Замира ЖЎРАЕВА,
Республика таълим маркази махсус таълим бўлими бош методисти

Руҳий ривожланиши суст бола

Унга қандай таълим берилади?

Inklyuziv ta’lim

Инклюзив таълим жорий этилган мактабларда руҳий ривожланиши суст, ўқув фанларини ўзлаштиришда қийинчиликларга дуч келадиган болалар ҳам таълим олади. Бундай болалар билан ишлаш мактаб амалиётчи психологидан алоҳида масъулият талаб этади.

Жараёнда руҳий ривожланиши суст болалар билан ақли заиф болаларни фарқлаш лозим. Хусусан, ақли заиф болаларда нутқ ва ҳаракатнинг бузилганлиги бутун ривожланиш давомида кўринади. Руҳий ривожланиши суст болаларда нутқ ва ҳаракатнинг бузилиши коррекцион педагогик методлар орқали бартараф этилади. Улар мустақил расм чиза олиши, эртак эшитишда ташаббускорлик кўрсатиши мумкин. Уларнинг ҳаракат динамикаси тиббий коррекция туфайли яхшиланиб боради. Масалан, бўлакларга бўлинган расмларни бир бутун қилиб йиғишда катта қийинчиликларга учрамайди, вазифалар мураккаблашиб борса-да, ҳаракат қилишдан тўхтамайди. Бундай болалар маҳсус таълим ва латифалар, топшириқлар мазмунини тўғри тушунади. Ўз ҳаракатларини нормал тенгдошларига қараб ва ўқитувчиси ёрдамида тўғирлайди. "Ўқитувчи — ота-она — мактаб психологи" учлиги бундай бола билан мунтазам коррекцион ишларни олиб борса, у синфдошлари сафидан мустаҳкам ўрин ола бошлайди. Акс ҳолда фанларни ўзлаштиришга қийналиб, ўқишдан кўнгли совийди ва лоқайд бўлиб қолади.

Руҳий ривожланиши суст болаларнинг мантиқий тафаккури, хотираси, идрок этиши ўз тенгдошларига нисбатан бироз орқада қолишига сабаб, онанинг ҳомиладорлик вақтида оғир токсикоз юз бериши, оилада унга кўрсатилаётган салбий психологик таъсирлар, овқатланишнинг бузилиши ва бошқалар оқибати бўлиши мумкин. Онанинг вирусли гепатит, ичтерлама, грипп каби юқумли касалликлар билан касалланиши ёки бола туғилиш жараёнида асфиксия (кислород етишмаслиги) ҳолати ҳам бунга сабаб бўлади. Шундай болаларга ҳар томонлама алоҳида эътибор бериш шарт. Мактабга келганда ҳам ўқув фаолиятига яхши киришиб кетмаслигини тўғри англаб, ўқитувчи унга мулойимлик билан муносабатда бўлишга ўзида куч топиши лозим.

Берилган топшириқни албатта бажариш кераклигини тушунмайдиган, ўқиш ва ёзишнинг бошланғич малакаларини қийинчилик билан эгаллайдиган ўқувчиси борлигини сезган ўқитувчи дарҳол ҳамкорлик чораларини кўриши зарур. Бунда психолог билан бир қаторда директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, мактаб шифокори, ўқитувчи, ота-она биргаликда махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқиши лозим. Бунда синфда болалар учун умумий мустаҳкамловчи, даволовчи, осойишта тартиб ва ўқув жараёнида индивидуал ёндашув тадбирлари кўзда тутилади.

Таълимий шароитда кўпроқ руҳий-ҳиссий ўйин элементларидан фойдаланиш, топшириқларни содда тарзда етказишга ўқитувчи эътиборли бўлса, айни муддао. Бола шахсиятидаги ижобий томонларни эътироф этиш, ота-оналар ҳам боланинг кичик муваффақиятини таъкидлаши яхши самара беради. Бундай бола атрофида оилавий можароларни ҳал этмаслик, хонасини муносиб жиҳозлаб, вақти-вақти билан улар ўрнини ўзгартириб туриш, опа-акалари қаторида муносабатда бўлиш, ҳали келажакда улкан ишларни амалга оширишини уқтириб бориш, хотира машқларини тезтез ўтказиб туришнинг ҳам фойдаси катта, албатта.

Тажрибалар асосида айтиш мумкинки, айрим ҳолларда руҳий ривожланиши сустлашган болалар билан ўқишни сал кечроқ, яъни 8 ёшдан бошлаш маъқулроқ. Аммо бу масалани шифокор билан биргаликда, таълим-тарбия иши ва ташхис натижаларини чуқур таҳлил қилгандан кейингина ҳал қилиш тавсия этилади.

Муродбек РАҲМОНБЕРДИЕВ,
Янгиобод туманидаги 12-мактабнинг амалиётчи психологи

2017-yil 17-may, № 39 (9000)

Тил одоби — дил офтоби

Жуфтидан ибрат олиб...

Ривоят. Машҳур табиблардан бири уйланадиган ёшга етгач, ота-онаси унга кўп қизларни кўрсатишибди. Қизлардан ҳеч бири унга маъқул келмабди. Қўшни қишлоқда бир шаккок, тили заҳар, қайсар қиз бор экан. Йигит у билан учрашиб, қатъий қарорга келганини онасига маълум қилибди: "Шу қизга уйланаман".

Унинг таъриф-тавсифини эшитиб юрган ота-онаси эътироз билдиришибди:

— Уни жуда тантиқ, қўпол, қўрс деб эшитганмиз. Сенга тўғри келмайди, хушмуомала қизни танлашинг керак.

Табиб йигит "Менга худди шунақаси керак" деб туриб олибди. Ноилож қизни унга никоҳлаб қўйишибди. Орадан унчалик кўп вақт ўтмай, қиз ҳамма кўрса ҳавас қилгудай одобли, ширинсўз уй бекасига айланибди. Эшитганлар қулоғига, кўрганлар кўзига ишонмасмиш. Тез орада одамлар ўртасида "Табиб йигит аёлини уриб-сўкиб, дўқ-пўписа билан эгиб олибди", "У қўпол, дағални мулойим, кеккайганни камтарин, заҳар тилни ширин тилга айлантирадиган дори ичириб, ўшандай баджаҳл, манман қизни хушмуомала қизга айлантириб олибди" деган миш-мишлар тарқалибди.

Қизнинг ота-онаси ҳам унинг бу даражада ўзгаришига табибнинг калтакларию дўқ-пўписалари ёки "Жодули китоб"и сабаб бўлдимикан, деган хаёлга бориб, ундан сўрай бошлашибди:

— Уриб йўлга солдими?

— Йўқ.

— Сўкиб тарбияладими?

— Умуман.

— Дўқ-пўписа, дакки-дашном берибми?

— Мутлақо.

— Балки "Жодули китоб"да кўрсатилган амалларни қилгандир?

— Айтсам, ишонмайсизлар!

— Гапни чўзавермасдан айта қолсанг-чи!

— Куёвингиз шу қадар хушмуомала эканки, ундан ибрат олмай иложим қолмади. Унинг оғир-босиқлиги, вазминлиги, жаҳли чиққанда ақлини жиловлаши, чиройли гапиришига қараб, ўз феъл-атворимдаги нуқсонларимни тўғриладим.

Қизнинг ота-онаси машҳур табибнинг энг яхши дори-дармони хушмуомалалик эканига тан беришибди.

Санъатлар маликаси

Инсон танасини "Оллоҳ қурган иморат" дейдилар. Ҳар бир аъзонинг ўз ўрни, вазифаси бўлгани каби бесуяк аъзо — тил сизу бизга фикримизни ифода қилиш, ким биландир мулоқотда бўлиш, миннатдорлигимизни ифодалаш, ҳаттоки жаҳлимиз чиққанини билдириш учун ҳам хизмат қилади. Тилдан ўз ўрнида фойдаланмаслик турли дилхираликларни келтириб чиқаради. Гапнинг ортиқчаси иллатдир. Педагог бўлганим учун ўқувчиларнинг сўзлашиш маданияти ҳамиша диққат-эътиборимда туради. Мақтанчоқ, маҳмадона, чақимчи болаларнинг учраб туришидан дилим хуфтон бўлади. Уларга дакки-дашном бериш бефойда, бўлган-тургани шу. Ота-онаси, яқин инсонларидан "нусха" олган бўлса, ажаб эмас. Муомаласи қўпол бўлса, бу бола одоб-ахлоқига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Аксинча, фикрини аниқ-тиниқ ифода қилишда оғир-босиқ, хушмуомала бўладиган ўқувчиларнинг тарбиясига тасанно айтасиз. Демак, тил орқали инсон ўзининг қандай тарбия олганини намойиш этади.

Дарҳақиқат, сўз ва сўзлаш маданияти бўйича фикр юритганда, "нутқ маданияти"ни четлаб ўтолмаймиз. Нотиқлик санъати дастлаб Грецияда пайдо бўлганлиги манбаларда қайд қилинади. Эпос, лирика, драма, мусиқа, меъморлик сингари чиройли сўзлаш ҳам бадиий ижод тури ҳисобланган, ҳаттоки антик даврда нотиқликка "санъатлар маликаси" деб таъриф берилган. Римлик нотиқ Квинтилионнинг "Сен шундай гапирки, сендан ҳар бир киши тушунча олсин" дейишида катта ҳикмат яширин.

Марказий Осиё ҳудудида яшаб ўтган буюк алломаларимиз илмий-адабий меросида ҳам сўзга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, фикрни аниқ-тиниқ ифода қилиш, суҳбатдошнинг дилини ранжитмаслик, ҳамиша рост сўзлаш билан боғлиқ ҳикматлар кўп. Абу Райҳон Берунийнинг "100 ҳикмат" тўпламида ёлғончилик ахлоқсизликнинг бир кўриниши эканлиги айтилади. Алломанинг фикрича, ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртириши, зулм, алдовга ўргатиши, омонатга хиёнат қилиб, бошқалар мулкини ҳийла билан ўзлаштиришга ундаши мумкин. Демак, тил билан боғлиқ норасоликлар нафақат бугун, қадимда ҳам қораланган.

Тилдаги иллатлар

Кузатамизки, ақлли одамлар кам гапиради. Улар гапиришдан кўра, мушоҳада қилишни афзал билади. Масалан, пассив болага қараганда аълочи ўқувчи анча босиқ бўлиб, беҳуда гапиришдан ўзини тияди, етти ўлчаб бир кесишга ҳаракат қилади. Айниқса, бўлар-бўлмас гапи билан суҳбатдошини зериктирадиган эзма одам бошқаларни ҳам ўзидан бездиради. Биз педагоглар таълим жараёнида боланинг ёлғон гапириб, вазиятдан осон чиқиб кетишга ҳаракат қилган ҳолатларини кўп кузатамиз. Демак, **беҳуда сўзлаш, эзмалик қилиш** — тил орқали келадиган зиёнлардан бири экан.

Беҳуда сўзловчиларнинг яна бир камчилиги **сир сақлолмасликдир**. Кимнингдир ҳаётида рўй берган воқеани ҳеч кимга ошкор қилмаслик шарти билан ўша инсоннинг оғзидан эшитиш, кўп ўтмай бировга маълум қилиш тарбиясизликнинг бир кўриниши, аслида. Биров сизга сирини ишониб очса-да, эртаси куни учинчи бир кишига уни "гуллаб" қўйсангиз, сирнинг сирлиги қоладими? Фарзандларимизга сўзлашиш маданиятининг бир кўриниши бўлган сир сақлаш маданиятини, унинг нозик жиҳатларини уқтиришимиз лозим.

Сир сақлолмаган киши сукут қилиш, тинглаш маданиятидан бенасибдир. Индамасдан туролмайдиган одам эса билиб-билмай гапираверади, содда қилиб айтганда, вайсайди ва алжирайди. Айрим бесабр ўқувчилар сукут сақлолмай, ноўрин пайтда ўқитувчига савол беради. Оқибатда мавзудан чалғиймиз, фикрларимиз чалкашади, дарсни сифатли ўтолмаймиз. **Сукут сақлолмаслик** адабий тил меъёрлари ва сўзлашув маданиятига салбий таъсир этади. Бу иллатни жонли нуткда **маҳмадоналик** деб ҳам таърифлашади. Бошланғич синф ўқувчилари сукут сақлолмай, сергаплик қилса, буни маҳмадоналикка йўймаслик мумкин. Чунки улар ўсиш, ривожланиш жараёнида бўлиб, ўз фикрини ифодалаш, мулоҳаза қилиш орқали ҳаётни англашга интилади. Жажжи ўғил-қизларнинг маҳмадоналиги уларнинг қизиқувчанлигидан далолат беради. Аммо юқори синф ўқувчиларининг сергаплиги, жим туролмаслиги, ўзгалар фикрини тинглаолмаслиги уларнинг тарбиясизлигидандир. Ўқувчиларга катталар гаплашаётганда аралашмаслик, ота-онага гап қайтармаслик, дарс жараёнида луқма ташлаб, устознинг фикрини чалғитмаслик кераклигини доимо уқтириб келаман.

Синфхонага кирсам, икки бола баҳслашиб ўтирибди. Бири "Барселона" зўр" деса, иккинчиси "Реал Мадрид"га тенг келадигани йўқ", дейди. Қарасам, тортишув авжига чиқиб, ишқибозлар бир-бири билан ёқалашмоқчи. Уларни ёнимга чақириб, ҳар кимнинг ўз мустақил фикри бўлгани яхши, аммо ортиқ даражада қайсарлик қилиш, баҳс-мунозарага берилиш муносабатларга дарз етказишини айтдим. Ўқувчиларга баҳс илмфан доирасида бўлса, ижобий натижа бериши, муайян воқеа-ҳодиса юзасидан ўз фикрини "ўламан саттор" тарзида ҳимоя қилиш асаббузарлик келтириб чиқариши ҳақида тушунча бердим. Ҳалиги болалар **ортиқча баҳс** ўзаро мулоқот жараёнида муносабатларга путур етказишини тушунишди.

Керагидан зиёд баҳс баъзан **сўкиниш, қарғаш** каби хунук ҳолатларга уланиб кетади. Тилга эрк берилганда, беҳаё сўзлар замбаракнинг ўқидек отилади. "Ҳа, ўғил бола бўлганидан кейин сўкинади-да" дея фарзандининг ёнини оладиган ота-оналарнинг боласи қилмиши учун эл орасида мулзам бўлиб қолган ҳолатларга кўп гувоҳ бўлганмиз. Фарзанд ота-онадан ибрат олиб улғаяди. Катталарнинг сўзлашиш маданиятини кичиклар тез ўзлаштиради. Шу боис, ҳар бир сўзимизни ўйлаб гапиришимиз, беҳаё сўзларни тилга чиқармаслигимиз керак.



Tarbiya — saodat

Кўча-кўйда хулқи ёмон, оғзидан боди кириб, шоди чиқадиган болани кўргудек бўлсак, "Падарингга лаънат..." дея унинг отасига тавқилаънат ёғдирамиз. Ўсмирга бу тарзда танбеҳ бериш тўғрими? Менимча, тарбиянинг бу усули натижа бермайди. Яхши гапга илон инидан чиқади. Мулоқот жараёнида **лаънатлаш** жуда хунук ҳолат. Тўғри, маълум маънода вояга етмаган фарзандларимизнинг хатти-ҳаракатидаги ножоиз ҳолатлар унинг оилавий муҳити қандайлигини кўрсатади. Жаҳл устида айтилган сўз билан аслида тарбияси яхши бўлмаган ўқувчини бундан бешбаттар ҳолатга соламиз.

Танаффусда мактаб боғига чиқаман. Дов-дарахтлар олдига бориб, кўкрагимни тўлдириб нафас оламан. Бу телефон титкилаш ёки тамаки чекиб, организмни заҳарлашдан анча фойдали. Бир гал боғда юқори синф ўқувчисини учратдим. Аълочи, доим хушчақчақ бўлиб юрадиган бола хомуш. Сабабини сўрасам, жим. Синфдошларидан суриштирсам, ўртоқлари уни "Ботаник" дея ҳазиллашиб, хафа қилган. Бу ҳам етмагандай кўзойнагини синдириб қўйишган. Ҳазил-ҳузулга ўч зумрашалар бу хатти-ҳаракати билан унинг дилига озор етказганини англамайди. Англасалар, бу ишни қилишмасди. Бировнинг устидан кулиб, кўнглини ранжитиш, мазах қилиш, **ноўрин ҳазиллашиш** тил зиммасидаги яна бир нохуш ҳолат эканлиги кўнглимдан ўтади. Ҳазил-мутойибани билиб, одамига ва даврасига қараб қилиш керак. Ҳазилнинг таги зил! Агар у самимий бўлса, бировнинг дилига асло оғир ботмайди. Камситилган ҳалиги болакайга таскин бердим: "Хафа бўлма, улар сенинг даражангга етгунча кўп ўқиши керак".

"АҚШда бир ўқувчи тенгдошларининг масхара қилишига чидолмасдан, мактабга қурол олиб келиб, синфдошларига ўқ узди". Бу мудҳиш хабар хорижий ва юртимиздаги кўплаб оммавий ахборот воситаларида берилганидан кўпчилик хабардор. Аянчли воқеа ёшларнинг бир-бирини масхаралаши оқибатида содир бўлганига ишонгинг келмайди. **Масхара қилиш**нинг ҳеч қандай ижобий томони йўқ. Бир-бирининг устидан кулиш, изза қилиш ўқувчилар ўртасида кўп кузатилади. Бунга аввало синф раҳбари айбдор. Агар у синфни тенглик асосида бошқармаса, носоғлом муҳит юзага келади. Содда болани масхара қилиш керак эмас, аксинча ундан камтарлик ва самимийликни ўрганиш зарур. Буни ҳар бир ўқитувчи айрим "ақлли", "келишган", "уддабурон" ўғил-қизларга обдон тушунтириши керак.

Данғаса, ялқов болаларнинг ўзини ҳимоя қилувчи энг яхши "қалқон"и **ёлғон гапириш ва ваъда бериш**дир. Улар бу "қобилият"ни шунчалик пухта ўзлаштирганки, гапи ёлғонлигига ишонгинг келмайди. Бундай ҳолатларда зиммамиздаги вазифамизни унутмаган ҳолда ёлғончилик йўлига кириб кетаётган болани тўғри йўлга солиш чораларини кўришга масъулмиз. Қачонки, одам ўзига тўлиқ ишонсагина ваъда бериши керак. Акс ҳолда одамлар унинг рост сўзига ҳам ишонмай қўяди.

Бундан ташқари, қасам ичиш, ғийбат қилиш, чақимчилик, тилёғламалик, иккиюзламачилик каби тил орқали содир этиладиган зарарли одатлар ҳақида ўқувчи-ёшларга тўғри тушунча бериш, муомала маданиятини шакллантириш, ҳар бир сўзни ўйлаб гапиришга ўргатиш барчамизнинг вазифамиз бўлиши керак. Таълим-тарбияда ҳеч бир жиҳатни эътиборсиз қолдирмаслик зарур. Беҳуда сўзлашиб, ноўрин ҳазиллашаётган, сўкиниб, бир-бирини масхара қилаётган ёшларни бугун тартибга чақирмасак, эртага бармоқ тишлаб қолмайлик.

Бахтиёр КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси


Tannarxi arzon bo‘lgan Quyosh energiyasini elektr energiyasiga aylantirgichlarni ishlab chiqarish yo‘nalishidagi istiqbolli yondashuvlardan biri yupqa pardali quyosh elementlari texnologiyasini yaratish hisoblanadi.


Ma’rifat

2017-yil 17-may, № 39 (9000)

Fan va hayot

XXI asr boshlarida insoniyat oldida anъanavий energiya manbalarining yaqin kelajakda tugashi va Erdagi ekologik xolatning ёmonlashuvi bilan boғliq muammolar paydo bўla boshladi. Shu sababli iқtisodiy rivojlangan davlatlarda қayta tiқlanadigan energiya manbalari, jumladan, Қuёsh energiyasini boshқa turdagi energiyalarga aylantiruvchi қurilmalarni ishlab chiқarishga alohida eътibor қaratila boshlandi. Қuёsh Erni insoniyat talablarига қaraganda juda қўp miқdorda energiya bilan taъminlaydi. Er atmosferasida Қuёsh nuri қuchi taralishi tufayli bu energiyadan tўliқ foydalaniш anча muraққab. Қuёsh nuridan keng қўlamli va samarali foydalanishni taъminlash uchun қuёsh elementlarining texnik xamda iқtisodiy қўrsatқichlarini sezilarli darajada oshiriш talab қilinadi. Tannarxi arzon bўlgan Қuёsh energiyasini elektr energiyasiga aylantirgichlarni ishlab chiқariш йўnalishidagi istiқbolli ёndashuvlardan biri yupқa pardali қuёsh elementlari texnologiyasini yaratish xisoblanadi. Bu soxada dunёdagi қўplab rivojlangan mamlakatlarda keng қўlamli ilmiy-tadқiқot va loyiхa-konstrukторlik ishlari olib borilmoқda xamda sezilarli natijaларga eришilaётir.





Yupқa pardali қuёsh elementlari

Kejinги yillarda Ўzbekistonda қuёsh energetikasini rivojlantirishga alohida eътibor қaratilmoқda. Buning isboti sifatida Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning 2013 yil 1 martdagi “Muқobil energiya manbalaridan foydalanishni rivojlantiriш chora-tadbirlari tўғrisida”gi farmonini, yurtimiz xududi(Samarқand va Toshkent vilоyatlari)da yaқin kelajakda (2018—2020 yillarda) yirik қuёsh elektrostanciyalarini қuriш loyiхalarini қўrsatish mumkin. Bundай elektrostanciyalarning barpo etilishi mamlakatimizda қuёsh energetikasidan foydalanishni sifat jiхatdan yangi bosқichga қўtaradi.

Қuёsh energetikasining rivojlaniши

Kishilik jamiyatining rivojlaniш tarixi bir қunda odam boshiga tўғri kelувchi istesmol қilinган energiya xajmi 2,4 kkaldan (ibtidoiy jamiyat) 150 kkalgacha (zamonaviy Fарb jamiyati) oshganini қўrsatadi. Olimlarning taxlilига қўra, insoniyatning xozirgi қunda energiyaga bўlgan talabi (˜ 13 TVt) XXI asrning yўrtalarida taxminan ikki karra (˜ 30 TVt), asr oxirigа kelib esa uch karra (˜ 46 TVt) ortadi. Bunga sabab, birinchidan, dunё iқtisodiyotining umumiy ўsishi xamda sayёramizdagi axolining 2/3 қismini tashkil қilgan rivojlanaётgan davlatlar, jumladan, Ўzbekiston iқtisodiyotining xam keskin қўtarilishi bўlsa, ikkinchidan, odamlar sonining sezilarli ortishidir. 2050 yilga kelib, Er axolisining soni 10–11 milliard kishiga etishi, iқtisodiy ўsish esa tўrt karra oshishi taxmin қilinmoқda.

Xozirgi paytda butun dunёda energiya asosan maъdanli energiya manbalari — neft, tabiiy gaz, қўmir, yadro ёnilғisidan ishlab chiқarilmoқda. Biroқ energiyaga bўlgan talabni faқat қazib olinadigan manbalardan foydalaniш xisobiga қondiriш mumkin emasligi, energiyaning anъanavий manbalari zaxiraси asta-sekin tugab boraётgani xeч kimga sir emas. Aksariyat ekspertlar fikricha, energiyaga bўlgan eхtiёжning globall ortishi sababli anъanavий manba resurslari asosan asrimizning yўrtalarigа borib tugaydi. Texnik tarraқiёt natijasida yangi konlarnning ochilishi resurslarnning tugash xarajёnini faқat biroz ortga surishi mumkin, xolos. Anъanavий energiya resurslari tўliқ tugamagan taқdirda xam, uларga talabnning keskin ortishi sababli narxlarnning oshishi kuzatiladi.

Muammoni atom energetikasi xisobigа xam echib bўlmaydi. Chunki uning manbai bўlgan radioaktiv moddalar, jumladan, uran zaxiralari xam chekланgan. Radioaktiv chiқindilarni utilizasiya қilish xam xal қiluvchi muammolardan xisoblanadi.

Ikkinchidan, Erning issiқlikdan ўzgarishi bilan boғliq ekologik muammo xam mavjud bўlib, u iқlimning қaytmas ўzgarishlarigа olib kelishi mumkin. Turli ёnilғilardan foydalaniш xamda avariyalar natijasida atmosfera, okeanlar va қuruқliklarnning neft xamda radioaktiv elementlar bilan ifloslaniши ўz beradi.

Maъlumki, isталган ёnilғi ёndirilganda ernning ifloslaniши ўsa beradi. Atmosferadagi CO_2 konsentrasiyasi ortadi. Bu esa “issiқxona effekti”-ning ўsaga kelishiga sabab bўladi. Ёnilғilar, shu jumladan, yadro ёnilғisi xisobigа energiya ishlab chiқariш miқdorini oshiriш Er uchun xavfsiz xarorat chegarasidan XXI asrdaeқ ўtib ketishimizga sabab bўladi. Va nixoyat, energiya xavfsizligi muammosi xam mavjud bўlib, u foydalanilaётgan energiya manbalarini diversifikasiya қilishni talab etadi. BMT maъlumotlarigа қўra, қayta tiқlanuvchi energiya manbalarigа kiritilaётgan sarmoyalar etarli darajada emas. 2016 yili bu қўrsatқich 285 milliard dollarni tashkil etgan. Uglevodorodlarnning iқlim ўzgarishigа salbiy taъsirini sezilarli kamaytiriш uchun esa muқobil energiyani rivojlantiriшga kiritilaётgan sarmoya kamida 1 trillion AQSH dollarini tashkil etiши kerak.

Shundай қilib, XXI asr boshlarida dunё energetikasi energiya istesmol manbalarining tuzilmasini jiddiy ўzgartiriш zaruriyatiga duch keldi. Aksariyat taxlilchilar noanъanavий, yani қayta tiқlanuvchi manbalarnning ulushi yaқin 20—30 yillar ichida sezilarli darajada (30 foizgacha) ortishini taxmin қilmoқda. Rivojlangan davlatlar қўp yillar mobaynida muқobil energiya manbalarini rivojlantiriшga yilига milliardlab dollar sarflaётganiga қaramay, xozirgi kunda қayta tiқlanuvchi energiya manbalari anъanavий energiya manbalari bilan raқobatlaша olmayapti.

Bunning asosiy sababi ishlab chiқarilaётgan energiya tannarxining қimmatligidir. Bundan tashқari, deyarli barcha қayta tiқlanuvchi energiya manbalari uchun ўzига xos cheklashlar mavjud. Masalan, obektning joylashuvi, muayyan iқlim sharoitlarini talab қiluvi bilan xarakterlaniб, ushbu cheklovlar қayta tiқlanuvchi energiya manbalarining keng қўllanilishini muraққablashtiradi ёki chegaralaydi.

Қayta tiқlanuvchi energiya manbalaridan eng jozibadori va istiқbollisi fotovoltaika, yani қuёsh energiyasini bevosita electr energiyasiga aylantiriш xisobланadi. Taъқidlaш joizki, bir soatda Erga kelaётgan қuёsh energiyasining miқdori insoniyat bir yilda istesmol қiladigan energiya miқdoridan ortiқ.

Kejinги ўn yilliklarda қuёsh energetikasining ўsiш surъati yilига ўrtacha 25 foizdan kam bўlmayapti. Taxminlarga қўra, XXI asrda қuёsh energetikasining rivojlaniши barcha muқobil manbalar ichida etakchi bўladi. 2050 yilda қuёsh energiyasi dunёda ishlab chiқarilaётgan energiyaning 20—25 foizini tashkil etiши, asrimizning oxirlarida қuёsh energetikasi asosiy energiya manbaiga aylaniб, uning ulushi 60 foizga etiши mumkin.

Nima uchun xozirgi kunda fotovoltaika asosida electr energiyasini ishlab chiқariш boshқa қayta tiқlanuvchi energiya manbalarigа nisbatan juda kam, degan savol tuғilishi tabiiy. Қuёsh elementlarining keng jorij etilishigа asosiy tўsiқ — bundай energiya tannarxining anъanavий manbalarnikiga қaraganda yuқoriligidir.

Fotovoltaika қazib olinaётgan energiya manbalarigа raқobatbardosh bўlishi uchun undan ishlab chiқarilaётgan electr energiyasining baxosi xozirgi kundagi narxidan taxminan 5—10 marta arzon bўlishi kerak. Bunning uchun foto-electrik ayllantirgichlarnning samarali, arzon texnologiyalari va konstrukciyalarini ishlab chiқiш zarur. Fotovoltaika ishlab chiқaraётgan electr energiyasining tannarxini pasaytiriш yўnalishlaridan biri yupқa pardali қuёsh elementlari texnologiyasini ishlab chiқiш xisobланadi.

Ishlab chiқarilaётgan electr energiyasi tannarxi eng avval қuёsh elementi yasalgan materialning tannarxi va қuёsh elementini ishlab chiқarishdagi texnologik jaraёn xarajatlari bilan belgilanadi.

Xozirgi kunda қuёsh elementlarini tayёrlaш uchun kristalli kremniy asosiy material sanaladi. Chunki u arzon, zaxiraси қўp material bўlib, uni ishlab chiқariш juda yaxshi yўlga қўyilgan.

Kristalli kremniy asosidagi қuёsh elementlarining asosiy kamchiligi ular narxining yuқoriligidir. Chunki қuёsh elementlari umumiy қiymatining 50 foizini kremniy taglигining baxoси tashkil қiladi. Mazkur tipdagi қuёsh elementlarini tayёrlashda yuқori sifatli xomashё қўllanilib, xozirgi kunda uni ishlab chiқariш uchun nixoyatda katta miқdorda energiya sarf қilinadi. Bundan tashқari, katta ўlchamdagi kremniy қuymasini қirқiш va unga mexanik ishlov beriш natijasida uning қўp қismi isroф bўladi.

Monokristall va polikristall kremniy tўғri bўlmagan zonali yarim ўtkazgichligi tufayli ularnning yutish koeffициentlari kichik. Қuёsh nurini samarali yutiши uchun esa ulardan tayёrlanaётgan fotoelektrik ayllantirgichlarning қalinligi yuzlab mikronlarni tashkil қilishi kerak. Bu xam kremniy sarfining sezilarli oshishiga olib kelib, қuёsh elementlari narxini kўtaradi.

Shu bois қimmatbaxo kristalli kremniy ўrnigа yupқa pardali қuёsh elementlarini yaratish istiқbolli xisobланadi. Yupқa pardali texnologiya қuёsh modullarining narxini pasaytiriшda yuқori salohiyatga ega.

Yupқa pardali texnologiyalar afzallikларidan biri — қatlamlarni past xaroratlarda olish mumkinligidir. Bu esa egiluvchan tagliklarda yarim ўtkazgich strukturalarni yaratishga imkon beradi. Egiluvchan asosdagi қuёsh elementi kichik oғirlikka ega bўlib, uni isталган yuzaga montaj қilish, turli rangdagi yarim shaffof modullarni esa turli maқsadlarda, masalan, binolarni bezashda қўllash mumkin. Yupқa pardali texnologiyaning asosiy afzalligi — juda katta yuzalarda asbob strukturalarini yaratish imkoniyatining mavjudligidir.

Subxon AXРОРОВ,
Eшқувват ARZIқULOV,
Tўyчiboy TOШBOEV,
SamDU docentlari,
Islom EGAMBERDIEV,
SamDU magistranti

(Davomi bor.)

2017-yil 17-may, № 39 (9000)

ГАЖЕТЛАР ҚУЛИГА АЙЛАНИБ ҚОЛМАНГ!



"HiTech-News.ru" сайтида маълум қилинишича, компьютер ва мобиль телефондан меъёридан ортиқ фойдаланиш туфайли юзага келадиган касалликлар айнан замонавий гажетларнинг асосий салбий жиҳатидир.



Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Бингемтон университети (Binghamton University) олимларининг бу борада олиб борган илмий изланишлари аксарият ҳолатларда улардан энди вояга етаётган ёшлар зарар кўришини тасдиқлади.

Лойиҳа раҳбари Исаак Вагефи (Isaac Vaghefi)нинг таъкидлашича, мазкур воситалардан кўп фойдаланиш сабабли бўйин ва елкаларда оғриқ пайдо бўлади. Бунга айни жараёнда қўллар орқали бир ҳаракатни тез-тез амалга ошириш сабаб бўлади. Натижада мушаклар, пайлар шикастланиши мумкин. Ушбу ҳолат ўзининг салбий оқибатини кўрсатмай қолмайди.


Бундан ташқари, одамларда ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик камайиб, ўрнини шошқалоқлик, тушкунлик эгаллайди. Тадқиқотчилар смартфони бор 182 нафар коллеж ўқувчиси иштирокида сўровнома ўтказиб, натижаларга кўра уларни беш гуруҳга бўлиб чиқди. Гап шундаки, уларнинг 7 фоизи телефондан тинимсиз ва 12 фоизи улардан кўра сал камроқ фойдаланиши аниқланди. Эътиборлиси, мана шу икки гуруҳдагиларнинг атрофдагилар билан боғлиқ зиддиятлари жуда ҳам кўп экан.

Шунингдек, олимлар кунига 2 соатдан зиёд компьютердан фойдаланган кишиларда кўриш қобилияти ҳам жиддий хавф остида қолишини тасдиқламоқда.

СТРАТОСФЕРА САМОЛЁТИ ҲАВОГА КЎТАРИЛДИ

Швейцариянинг «SolarStratos» компанияси мухандислари атмосферанинг стратосфера қатламида ҳаракатланишга мўлжалланган самолёти илк парвозини муваффақиятли якунлади, дея хабар берди "The Engineer" нашри.

Фақат қуёш энергиясидан қувват олиб ишлайдиган мазкур замонавий самолёт бошқарувчиси Дамиан Хишье 7 дақиқа мобайнида 300 метр баландликкача кўтарилди.



Самолётга конструкцияни етарли қувват билан таъминлаш учун жуда йирик қанотлар ўрнатилди. Уларнинг узунлиги 25 метрга тенг. Самолёт вазни 450 килограмм атрофида. Қанотлар қуёш панеллари билан қопланган ва уларнинг асосий вазифаси двигатель учун қувват жамғаришдир.

«SolarStratos» стратосферага 2019 йилда оммавий тарзда парвоз қилиши режалаштириляпти. Шунингдек, компания вакиллари сайёҳлар учун тижорий парвозларни ҳам амалга оширмоқчи.

СОАТНИНГ ҚОБИЛИЯТИ ЯНА БИТТАГА ОШДИ

«Apple Watch» сезгир соатлари асаб тизими ёрдамида юрак-қонтомир касалликлари аломатларини 97 фоизгача аниқлаши мумкин, дея хабар берди «hightech.fm».



Сан-Францискодаги Калифорния университети кардиологлари фикрига кўра, «Apple» гажетига ўрнатилган пульсометр орқали юрак мушакларининг меъёрий фаолияти бузилишини тўлақонли аниқлаш мумкин. Юрак мушаклари ишдан чиқса, қон айланиши оғирлашади ва инсульт хавфи ҳамда қон қуйилиши юзага келади.

Касалликни аниқлашда чуқур нейротармоқ ёрдам беради. У «Apple Watch»нинг «Cardiogram» дастуридан фойдаланган 6000 кўнгилли тақдим этган 139 миллиондан ортиқ юрак тезлиги ўлчови ва 6338 мобиль ЭКГга эга кенг қамровли маълумотлар мажмуидир.

Тадқиқотга юрак фибрилляцияси ташхиси қўйилган 200 нафар бемор ҳам жалб этилди. Уларнинг 51 нафарига тегишли «Apple Watch» аниқлаган тест натижалари ЭКГ датчиклари маълумоти билан солиштирилганида, қурилма касалликни 97 фоизгача аниқлаши аён бўлди.

Қисқаси, мазкур соатлар фақат вақт ёки санани аниқлаш эмас, саломатлик билан боғлиқ реал ҳолатни билишда ҳам энг яқин ёрдамчи бўлиши мумкин.

Шоҳсанам МАҲМУДОВА тайёрлади.

САРИЁҒ ҚАНЧАЛИК ФОЙДАЛИ?

Ниҳоят, америкалик олимлар сариёғнинг саломатлик учун зарарли экани ҳақидаги қарашларнинг мутлақо нотўғрилигини исботлаб, аксинча унинг фойдали жиҳатларини очиб беришди.



"Rambler.ru" манбасида ёзилишича, диетологлар буни исботлаш учун 20 ёшдан 93 ёшгача бўлган 9423 нафар кўнгилли иштирокида ўзига хос илмий-амалий тадқиқот ўтказди. Тажрибага жалб этилганлар икки гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳ вакиллари таом тайёрлашда ўсимлик ёғидан, иккинчи гуруҳдагилар эса фақат сариёғдан фойдаланган.

Мониторинг натижасига кўра, овқатга сариёғ ишлатиш юрак хасталиклари ва бошқа шу каби хавфли касалликларга сабаб бўлмайди. Балки ундан фойдаланганлар ўзларининг умумий ҳолати ижобий тарафга ўзгарганини таъкидлаган. Диетологлар 45 ёшдан кейин хилма-хил таомлар истеъмол қилиш мақсадга мувофиқлиги, шунингдек, сариёғни рациондан бутунлай чиқариб ташламасликни уқтиради.

Олов дўстга айлансин

Агар барчамиз оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиб яшасак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади — ош-овқатимизни пиширишдан тортиб, ҳовлимизни ёритишгача.

Ёнғиннинг олдини олиш борасида соҳа ходимлари томонидан доимий иш олиб борилишига қарамай, айрим ҳолларда ёнғинлар юз бераётгани, инсонлар мол-мулки, ҳаёти хатарда қолаётгани ачинарлидир. Бундай ҳолатлар юз бермаслиги, ёнғин оқибатида турли бахтсиз ҳодисалар келиб чиқмаслиги учун фуқаролар хавфсизлик қоидаларига риоя қилишлари зарур.

Бу борада ҳар ким ўз хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, яқинлари, қўни-қўшнилари ва маҳалладошларини ҳам шунга чақирса нур устига нур бўлади. Айниқса, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг аҳоли орасида шу йўналишда ўтказилаётган тарғибот ишларида ҳамкорлик қилиши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, "тилсиз ёв"га қарши курашиш барчамизнинг вазифамиз бўлмоғи лозим.

А.ЗУПАРХОДЖАЕВ,
12-ҲЁХО 11-ҲЁХ алоҳида пост смена бошлиғи, капитан,
Б.СИДДИҚОВ,
12-ҲЁХО 26-ҲЁХҚ кичик инспектори, сафдор
З.ҒОФУРОВ,
12-ҲЁХО 2-пост кичик инспектори, сафдор

Ёнғин содир бўлганда тўғри ҳаракат қила оласизми?

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш фақат соҳа вакилларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Чунки мол-мулкимизни, яқинларимиз ҳаётини асраб қолишдек масъулиятли вазифадан кўпроқ ўзимиз манфаатдормиз. Бундай нохуш ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида мактаб, лецей, коллеж ва олий таълим муассасаларида, ишхона ва маҳаллаларда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари доимий равишда тушунтириш ишларини олиб боради.

Хўш, сиз ёнғин борасида етарли маълумотга эгамисиз? Кундалик ҳаётда учраши мумкин бўлган турли кўнгилсиз ҳодисаларга тайёрмисиз? Қуйидаги тест саволлари орқали бунга жавоб топиш мумкин.

1. Ёнғин содир бўлганида биринчи навбатда амалга ошириладиган ҳаракат.

А) "101"га қўнғироқ қилиш.

В) "01"га қўнғироқ қилиш ва атрофдагиларни ёрдамга чақириш.

С) Бошқалар келишини кутиб ўтирмай, тезда ёнғинни ўчиришга киришиш.

2. Агар сиз турган хона кўп миқдорда тутун билан қопланса...

А) Эшик ва деразаларни очиб хонани шамоллатаман.

В) Ташқарига — тоза ҳавога чиқиб кетишга ҳаракат қиламан.

С) Нафас олиш йўлларини ҳўл мато билан ёпиб, энгашган ёки эмаклаган ҳолатда ташқарига чиқаман.

3. Электр симлари ёнаётган бўлса...

А) Тезда сув билан ўчираман.

В) Электр тармоғини ўчириб, сўнг ёнғинни бартараф этишга киришаман.

С) Ташқарига чиқиб, бошқалардан ёрдам сўрайман.

4. Овқат пишираётганда, ёғ ёниб кетса...

А) Идишнинг устини қопқоқ ёки нам латта билан ёпаман.

В) Кўпроқ сув қуйиб, оловни тезда ўчираман.

С) Ёғни идиши билан кўтариб, ташқарига улоқтириб юбораман.

5. Кўп қаватли уйнинг 4-қаватидасиз (телефон йўқ). Чиқиш йўлаги олов ва тутун билан қопланган, қандай йўл тутасиз?

А) Ҳўл латта билан тутун кириши мумкин бўлган туйнукларни ёпаман, дерезани очиб, ёрдам сўрайман.

В) Ҳўл мато ва кигиздан фойдаланиб, ташқарига чиқишга ҳаракат қиламан.

С) Кучим борича бақириб, ҳаммани ёрдамга чақираман.

6. Ўрмон ва боғларда қуруқ ўт ёнаётганини кўриб қолсангиз...

А) Бу менинг ишим эмас, деб йўлимда давом этаман.

В) Тупроқ ва дарахт баргларидан фойдаланиб, ёнғинни ўчиришга ҳаракат қиламан.

С) Бу ҳақида "101" орқали хабар қиламан ва яқин атрофдаги инсонларни огоҳлантираман.

7. Ёш болалар олов ўйнаётганини, аэрозолли ёки бошқа нотаниш буюмларни ёқаётганини кўриб қолсангиз, у ҳолда...

А) Уларни дарҳол тўхтатаман, бу хавфли эканини тушунтираман.

В) Бу менинг ишим эмас, деб йўлимда давом этаман.

С) Болаларнинг эътиборини бошқа машғулотга қаратишга ҳаракат қиламан.

1) А-3, В-1, С-0. 2) А-0, В-2, С-3. 3) А-0, В-3, С-1. 4) А-3, В-0, С-0. 5) А-3, В-1, С-1. 6) А-0, В-2, С-3. 7) А-3, В-0, С-3.

Тўплаган балларингизни ҳисобланг. Агар 25—30 балл тўплаган бўлсангиз, демак, сиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларини яхши биласиз. Уларга амал қилишга ва атрофдагиларга, дўстларингизга ўргатишга ҳаракат қилинг.

Агар 20—24 балл тўплаган бўлсангиз, демак, сиз фавқулодда ҳолатда мустақил ҳаракат қилиш учун етарли билимга эга эмассиз.

Агар 20 дан кам балл йиққан бўлсангиз, у ҳолда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўрганишга жиддий киришинг. Бу сизга ёнғин содир бўлганида тўғри ҳаракатланиш, оғир шароитларда ўзингиз ва бошқалар ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, лейтенант

2017-yil 17-may, № 39 (9000)

Yodnoma

Жўрам Эгамберди

Кечагина олтмиш ёшни уриб қўйдим. Манглайга битгани шудирда, туғилган кунимни яна жўрамсиз қаршиладим. У келарди, биринчи бўлиб табрикларди...

Эгамберди — дўстим, айни қирчиллама ёшида тўсатдан вафот этди. Ўзимча ўйлайман: агар бугун орамизда бўлса кексаймасди, қирчиллама йигитлигича қоларди.

У уч-тўрт яшарлигида жуда ҳаракатчан, тиниб-тинчимас бўлган. Бундайларни "юрагида ўти бор" дейишади. Юракдаги ўт-ҳовур унга бир зум ором бермайди. Олов алангага айланиши тайин, деган ўйда Собир бува бозордан бир килоча тариқ сотиб олиб, неварасига тутқазди. "Ҳар куни фалон-фалон вақтда буни панжангга тўлгунича солиб, муштингни маҳкам қисиб, тинмасдан ғижимлайсан, билдингми".

Буни кейинроқ Эгамбердининг ўзидан эшитгандим. Бор кучини панжасидаги тариқни ғижимлашга сарфлагач, юрак сал ором оларкан, ўшанда бояги ўт-ҳовур дегани пасаяркан. Дўстим ўша дамларни эслаб айтганди: "Тўхтамай тариқ ғижимлайман. Тошдек қаттиқлари панжам орасида эзилиб, майдаланиб кетарди ҳатто...".

Асли, буни ҳеч ким ўргатмаган бизга. Ҳожати ҳам бўлмаган. Келажакда қалам ушлашга кўникиб бораётган қўлни ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Эгамберди билан бир қишлоқ, бир элатданмиз. Қадим Қулон Қорабоғ қишлоғининг қибла тарафида, Хитой ёпи бўйлаб жойлашган бу элат эсимизни таниган пайтларда Тельман деб юритиларди. "Тельман" нима ёки ким, биз билмасдик. Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, Берлинга довур борган отам тушунтирган: "У немис коммунистларининг доҳийси. Асли, жуҳудлардан. Уни Гитлер қамоқда сақлаб, уруш тугади деганда ўлдириб юборган. Элатимизда илк ташкил қилинган колхоз унинг номи билан аталган. Ўша вақтда — урушдан аввал ҳам бу Тельман дегани қамоқда ётган чиқар...".

Ўша колхозга Эгамбердининг буваси Собир ота бир муддат раислик қилган — лақаби "кўккўз" эди. 1937 йили Собир ота қатағонга учраб, уч-тўрт йил шўро қамоқхоналарида ётади. Қайтгач, колхознинг масъул вазифаларига яқинлаштирилмайди.

Собир ота деҳқон эди. Ёдимда қолгани — аёли Бибижон момо билан аравада қайгадир боришаётгани. Бибижон момо бизнинг уруғдан — бийларга мансуб. Кейин ёшимиз улғайиб, уруғ-қариндошчилик нималигини англагач, Эгамбердининг отаси Исмоил акага ҳаддим сиғиб, ҳатто кўпчилик олдида — давраларда "жиян" деб мурожаат қилганларим бор.

Исмоил ака ҳайдовчи эди, анча йил элатимиздаги бригадага бошчилик ҳам қилди. Сўнг, қишлоқда биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этиб, умри поёнигача – етмиш беш ёшигача фермер хўжалиги раҳбари бўлди; кунда-кунора "селектор" аталмиш йиғилишларга борар, мажлисларда ҳақ гапни айтар, юз-хотир қилиб ўтирмасди.

Эгамбердини уч-тўрт ёшларидан танийман. Тўйларда бирга ўйнардик. Ғаройиб ўйинлар ўйлаб топарди. Янги ўйинларни соғиниб, навбатдаги тўйни орзиқиб кутардик. У пайтлари тўйлар кам — шунда ҳам қиш ойларида бўларди. Бир тўйда Эгамберди Қорбобо ясаган, бурни ўрнига сап-сариқ сабзини ўрнатган ва бошига увадаси чиққан эски қалпоғини кийдирганди. Ўшандаги ҳайратим ҳалиям ёддан кўтарилмаган. Бу балки менинг илк болалик хотирамдир.

Кейин мактабга бордик. Эгамберди қишлоқ марказидаги ўрта мактабга, мен эса элатнинг бу чеккасидаги тўрт йиллик мактабга қатнаганмиз. Бизга шу мактаб яқинроқ эдида. 1968 йили бизлар қишлоқ марказидаги 8-мактабнинг 5-синфига бордик. Эгамберди билан бирга ўқийдиган энди.

Ёдимда, ўша йили куз бошланмасиданоқ ҳаммамизни пахтага ҳайдашди – ҳар ким ўз бригадасида пахта териши керак. Назорат учун бир ўқитувчи бириктирилган. Бу ўқитувчи кечга яқин, пахтамиз тарозига қўйилган пайтда пайдо бўларди-ну, кунлик норма бор-да. Нормани бажармаганлар қоронғида яна эгат оралашга мажбур. Буни ҳам қўятуринг, ўша ўқитувчи бир куни масталаст келиб, қолоқ ўқувчиларни сафга тизиб, роса дўппослаган...

Бир куни Нурулла, Болтабой ва Эгамберди бирга пахта тердик. Ҳар биримизники ярим қопча бўлиб қолгач, Эгамберди: "Сизларга вертолёт кўрсатаман", деди туйқус. Дарров осмонга қарабмиз. Эгамберди эса чўнтагидан кичик батарея олди. Сўнгра мўъжазгина паррак ўрнатилган қўлбола вертолётни чиқарди. Майда симлар билан ўша матоҳга батареяни уладию парракчалар кўзга кўринмай тез айланиб, вертолётча осмонга кўтарилса бўладими! Ёқа ушладик. Сим калталиги учун одам бўйидан баландга кўтарила олмади. Узилиб ерга қулади. Эгамберди ясаган бу вертолётни токи батареянинг кучи қолмагунча навбатма-навбат учирибмиз, бу ёқда пахта териш ёддан кўтарилган. Кечаси калтак ейишдан қўрқиб ўша куни вақтлироқ пахтазордан қочиб кетганман...

Бешинчи синф ўқувчисининг ақли етиб, зарур ускуналарни қайдандир топиб, вертолёт ясаганига не дейсиз! Ваҳоланки, мактабимизда авиаторлар клуби йўқ эди – учувчи аппаратлар ҳақида бизга ҳеч ким ҳеч нима ўргатмаган. Мактабдаги турли тадбирларда ҳам Эгамбердининг топағонлиги у ўқийдиган синф ўқувчиларига қўл келарди, мудом ғолибликни илиб кетишарди.

Эгамберди менга "Мюллер" деб лақаб ҳам қўйиб олганди. Рости, бу сўзнинг нималигини билмасдим, ҳатто ўзидан бирор марта сўрамабман. Ўша вақтда ниҳоятда машҳур фильм — "Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси"да шундай образ бор экан. Аммо немис зобитига нима алоқам бор, қай хислатимизда ўхшашлик топган — буниси менга ҳамон қоронғи.

Кейин йўлларимиз анча йил айро тушди: Эгамберди Урганч педагогика институтида ўқиди, мен эса ТошДУда. У рус тилидан ўқитувчи бўлди, мен эсам журналист. Таътилга борган пайтимда эди, чамаси, Эгамбердининг тўйини ўтказдик. Элатимиз ҳақида шеър ўқиганман ўшанда. Бу шеър машҳур бўлиб кетиб, узоқ вақтгача одамлар қулиб айтиб юрди. Шеърни ўқиб бўлганимдан сўнг, Исмоил ака давра ўртасига чиқиб, мени қучоқлаб табриклагани эсимда.

Эгамберди бир муддат қўшни қишлоқдаги мактабда дарс берди. Қишлоғимиз адоғида қурилган, Раҳим Бекниёз номи билан аталувчи мактабда умрининг охиригача ишлади, директор ўринбосари бўлди. Ўша кезлари мен туман газетасида ишлардим. Кунда-кунора йўқлашардик.

Истиқлол йилларида мактаб тизимини ислоҳ қилишга киришилган пайтда Эгамберди "Мактаб конституцияси"ни яратганди. Ўқувчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, пухта билим олишини таъминлайдиган бу ҳуқуқий ҳужжат том маънода янгилик эди. Уни ва унинг изоҳи бўлган салмоқли мақолани пойтахтга – номдор журналлардан бирига олиб бордим. Муҳаррир мақолани кўздан кечира туриб: "Янгилик! Кейинги сонда берамиз", деди. Хабарни Эгамбердига етказдим. Қувонди. Журналнинг кейинги сонини интиқлик билан кутдик. Аммо негадир бу мақола журналнинг кейинги икки сонида ҳам чиқмади. Сабабини билиш учун пойтахтга атай йўл олдим ва муҳаррирга учрашдим. Чайиргина, кўзлари ўйнаб турадиган йигит мени қучоқ очиб кутиб олди: "Мақола тайёр, маъқуллашганди, аммо..." деб узрланди. Эшитишимча, бу ғоя мутасаддилар ичидан бир корчалонга ёқиб қолиб, мавзуни сотиб олмоқни ният қилган эмиш. Докторлик диссертацияси учун ажойиб манба экан. Муҳаррир ўша бўлажак "олим" билан муаллиф орасида воситачилик қилмоқчи бўлибмиш-да. Нимасини айтай яна...

Эгамбердининг ўртаҳол яшаётгани, болалари ҳам улғайиб қолгани, ишга қатнаш учун аввал кажавали мотоцикл, сўнгра "Запорожец" олганини биламан. Шунда мен қурмағурни ўй босди: "Дўстим мақоласи учун катта гонорар олар, аммо бунча пулни тушида ҳам кўрмайди. Нима қилибди, биров раҳмат айтармиди", деб ўйлаб сим қоқдим. Янгиликни оқизмай-томизмай етказдим. Ҳатто аврамоқчи ҳам бўлдим: "Ўзим ҳам беш-ўн тангалик бўлиб қоламан, дўст!". Эгамберди узоқ тинглай туриб, бўлар гапни айтди: "Бу менинг ғоям, жўра! Уни пулламайман".

Муҳаррир дўстимнинг жавобига бош чайқади. Мақолани кейинги сонда албатта чоп этишга ваъда берди. Бироқ ўша "янгилик" на журналда, на бирор газетада босилди. Ўғирланган ғоя ҳақида матбуотда чиқиш қилганимда эса Эгамберди дунёдан ўтганди.

Эгамбердини пойтахтда яшайдиган кўпгина ижодкорлар ҳам яхши танишарди. Бизникига келган ижодкорларни меҳмон қилмасдан жўнатмасди. Дилгир одам эди-да ўзи. Меҳмонлар унинг дунёқараши, фикрлашига қойил қоларди. "Шундай ташкилотчи, юксак илм эгаси чекка бир мактабда қолиб кетяпти-да!" деб афсусланганлари қанча.

...Бир йили ёзда Набижон Боқий бирор ҳафта меҳмонимиз бўлди. Ўша пайти қишлоқда болалар оромгоҳи фаолият юритаётган экан, Эгамберди ижодий учрашув ўтказишни таклиф қилди. Набижон тортинчоқлигига бориб, аввалига кўнмади...

Борсак, ҳовуз бўйида — гужумлар соясида юз чоғли ўғил-қиз йиғилган, муаллимлар ҳам шу ерда. Эгамберди ижодий деганди, тадбирни "Турли касб эгалари билан учрашув" деб номлабди — ҳайрон бўлдим. Оромгоҳга таниқли сартарош, уста Ражаббойни ҳам таклиф этган экан. Ўта қизиқарли, ёдда қоларли учрашув бўлган, болалар бизни саволларга кўмиб ташлаган.

Эгамберди бу салоҳияти, интилувчанлиги билан бемалол илм қилиши мумкин эди. Фан номзоди, фан доктори бўларди балки. Ундан чинакам олим чиқарди — юрт учун, келажак авлод учун нафи тегадиган буюк кашфиётлар қиларди...

Рўзимбой ҲАСАН

Мутолаа қуввати

Китоблар инсониятга ва дунё тараққиётига таъсир этувчи катта куч. Бу ҳақиқатни унутиб қўяётгандекмиз. Ҳолбуки, инсон онги, маънавий қиёфаси шаклланишида унинг ўрни, таъсири беқиёс.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда дарсликлар, илмий, оммабоп ҳамда бадиий адабиётларни нашр этиш янаям ривожланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши айни жараённи янги босқичга кўтарди. Айтиш мумкинки, юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлидаги ислоҳотнинг узвий давоми бу. Зеро, ҳар қандай соҳанинг ривожланиши илм-фан, тажриба ва тадқиқотлар билан боғлиқ.

Сирасини айтганда, мутолаа инсон ақли ва фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, хотирани мустаҳкамлайди. Вақтни мазмунли ва фойдали ўтказишда ҳам унингдек ишончли восита йўқ. Мавзу ва йўналиш жиҳатдан ранг-баранг, қизиқарли китобларни ўқиш, бадиий, ҳам илмий-оммабоп китобларни мутолаа қилиш инсоннинг ҳаётга турли ракурсда қарашига имкон яратади.

Тадқиқотларга кўра, китоб мутолааси билимни оширибгина қолмай, саломатликка ҳам ижобий таъсир кўрсатар экан. Мутолаа, аввало, мия фаолиятини кучайтиради. Қизиққан мавзунгиздаги ҳар қандай китобни беш-олти дақиқа ўқишнинг ўзиёқ стрессни икки баравар пасайтиради. Қизиғи шундаки, мутолаа жараёни мусиқа тинглаш ёки пиёда сайрдан кўра тезроқ ижобий таъсир қилади.

Тадқиқотчилар мутолаанинг таъсир кучи жисмоний машқлардан кам эмаслигини таъкидлайди. Чунки айни машғулот вақтида мия ҳар қачонгидан фаол ишлайди. Бу келажакда фанларни ўзлаштириш, малака ва тажриба орттиришда жуда қўл келади. Соғлом турмуш тарзи ҳар бир инсон учун жуда зарур омил. Китоб ўқиш эса соғлом турмуш тарзини эгаллашда, айниқса, болалар учун ўта самарали восита. Тан соғлиғи бевосита руҳиятга алоқадор. Китоб ўқишни эҳтиёжга айлантириш орқали ўқувчилар нутқини ривожлантириш, дунёқарашини кенгайтиришга эришади.

Ўқиш ва уқиш орқали биз ўзимизни, ўзлигимизни англаймиз. Атрофдагилар, еру осмонни қадрлашни ўрганамиз. Юракда одамларга меҳр, Ватанга муҳаббат томир отади. Она диёрни улуғлаймиз, ундан фахрланамиз. Заррача бўлса-да, унинг ривожида ҳиссамиз бўлишини орзулаймиз. Касб тақозосидан келиб чиқиб айтганда, биз педагогларнинг ҳиссаси баркамол авлодни тарбиялашда ўз ифодасини топади. Шу юксак мақсадни амалга оширишда эса мутолаа бизга ишончли куч, китоблар — беғараз дўстдир.

Улжамол ИСЛОМОВА,
Жарқўрғон туманидаги
33-мактаб директори
ўринбосари

2017-yil 17-may, № 39 (9000)

Дам олиш соатлари – спортчига мадад

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ҳар уч йилда ўтказиладиган ёшлик ва нафосат байрами — «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг мамлакат босқичи бошланишига саноқли кунлар қолди. Эслатиб ўтамиз, Жиззах вилояти мазкур тадбирга иккинчи марта мезбонлик қилади.

Айни чоғда мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотлари қатори бошқа маданий-маърифий масканларни таъмирлаш ишлари ҳам деярли ниҳоясига етказилди. Спорт мусобақалари оммавийлигини ошириш ва уни кўтаринки руҳда ўтказишда муросасиз кураш, қарама-қаршиликлардан ташқари, албатта, маданий тадбирларни мазмунли ўтказиш ҳам алоҳида ўрин тутади.

Тадбирнинг очилиш тантаналарига ўзгача руҳ ва мазмун бахш этишга чоғланган санъаткорларнинг дастлабки гуруҳи — Тошкент Миллий рақс ва хореография олий мактабининг энг иқтидорли талабалари Жиззахда тайёргарликни бошлашди.

Жиззах темирйўл вокзалида 240 нафар бўлғуси раққосалар, маданият ходимлари байрамона руҳда, карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Меҳмонлар айни дамда Жиззах политехника институти қошидаги академик лицейнинг ўқувчилар турар жойига жойлашди. Ётоқхонада меҳмонлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Ўқувчи-ёшлар ҳаётида ўчмас из қолдирадиган улкан фестиваль Жиззах шаҳридаги «Сўғдиёна» универсал спорт мажмуасида тантанали равишда очилади, — деди вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Камол Фарҳодов. — Маросимда эл суйган санъаткорлар билан биргаликда 2600 нафар институт талабаси ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ҳам иштирок этади. Очилиш маросимини юқори савияда ташкил этиш мақсадида бош режиссёр Рустам Шамсиддинов бошчилигида тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Санъаткор ва талабалар 7 жойда сценарий асосида машғулот ўтказмоқда.

Маданий-маърифий ишлар режасига кўра, мусобақа қатнашчилари дам оладиган 6 та ётоқхонада турли тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек, байрам қатнашчилари Жиззах шаҳридаги Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон уй-музейларига саёҳат уюштириши ҳам режалаштирилган. Шаҳар марказидаги «Ёшлар форуми»да таниқли санъаткорлар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ҳамда ҳаваскор жамоалар иштирокида концерт ташкил этилади.

Бир сўз билан айтганда, «кичик олимпиада» деб эътироф этилган мазкур беллашувлар натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, аввало ўқувчилар хотирасида ўчмас таассурот қолдириши учун санъаткорлар ҳам энг сара куй-қўшиқларни тайёрлаб қўйган. Дам олиш соатлари мароқли ўтса, спортчиларнинг кучига куч қўшилади, янги марралар сари интилади. «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ёшлар байрами, дўстлик ва бирдамлик фестивалидир. Бу эса ҳар бир медаль учун ҳалол кураш кечишини англатади. Унда ғолиб чиққанлар ҳам, мағлублар ҳам ўз маҳоратини чархлашда давом этади. Муҳими, улар бир жамоа вакиллари эканини унутишмайди.

Абдусаттор СОДИҚОВ
Жиззах вилояти

Аёллар ўртасида велотур ўтказилди

Навоий шаҳрида жойлашган "Ёшлик" спорт мажмуасида 15 май — Халқаро оила куни муносабати билан хотин-қизлар ўртасида велотур ўтказилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, мамлакатимиз велоспорт федерацияси, Касаба уюшмалари федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси сингари қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда юртимизнинг барча шаҳарларида ўтказилган мазкур мусобақаларда минглаб хотин-қизлар иштирок этди. Уларнинг орасида идора ва ташкилотлар ишчи-ходимлари, уй бекалари, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талаба ва ўқувчилари ҳам бор.

"Соғлом аёл — соғлом авлод" шиори остида ташкил этилган мусобақанинг вилоят босқичида институтимизнинг кўплаб ҳаваскор хотин-қизлари ҳам муносиб қатнашди. 18—30 ёшлилар ўртасидаги баҳсларда фахрли 1-ўрин институтимизнинг Мактабгача ва бошланғич таълим факультети 2-босқич талабаси Мафтуна Худойқуловага насиб қилди. У тадбир ташкилотчиларининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Ҳа, мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш, улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бу жараёнда хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг спортга қизиқишини янада ошириш эса доимий эътиборда экани янада қувончлидир.

Шавкат РАҲМАТОВ,
НавДПИ маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўлими бошлиғи

Хабарингиз борми?

Боку шаҳри(Озарбойжон)да давом этаётган IV «Ислом бирдамлиги» спорт ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси ҳам иштирок этяпти. Ҳозиргача вакилларимиз 6 олтин, 6 кумуш ва 18 бронза медаль жамғарган ҳолда 54 давлат орасида 3-ўринда боряпти.

Эътиборлиси, 41 ёшли гимнастикачимиз Оксана Чусовитина спортчиларимиз ғазнасига битта олтин медаль қўшиб қўйди.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «Мўъжиза» амфитеатрида бокс бўйича нуфузли турнир — Жаҳон бокс серияси (WSB) VII мавсуми чорак финалининг биринчи серия жанглари бўлиб ўтди. Унда бизнинг жамоа — "Uzbek Tigers" Кубанинг "Cuba Domadores" жамоасига қарши рингга чиқди ва муҳим ғалабага эришди.

Бу йилги турнирда сайёрамизнинг энг кучли 12 жамоаси уч гуруҳга бўлиниб, бош соврин учун жанг ўтказмоқда. «С» гуруҳида қатнашган вакилларимиз Хитойнинг «China Dragons», Россиянинг «Patriot boxing team» ва Қозоғистоннинг "Astana Arlans" жамоаси билан куч синашиб, 10 очко тўплади ва чорак финал йўлланмасига эга бўлди.

Чорак финалнинг илк қарама-қаршиликларида жамоамиздан Ҳасанбой Дўсматов, Муроджон Аҳмадалиев, Исроил Мадримов ўз рақибларини енгган бўлса, Иқболжон Холдоров ва Санжар Турсунов ютқазиб қўйди. Шу тариқа баҳслар 3:2 ҳисобида якунланди.

Аммо 19 май куни Кубада ўтказиладиган жавоб учрашувлари янада шиддатли ва муросасиз ўтиши турган гап. Юртдошларимиз ярим финалга чиқишни исташса, дастлабки ҳисобни унутиб, янада жиддий тайёргарлик кўриши лозим.

* * *

Ҳиндистонда юнон-рум, эркин ва аёллар кураши бўйича ташкил этилган Осиё чемпионатида вакилларимиз 2 олтин, 1 кумуш ва 3 бронза медаль билан юртимизга қайтди.

Жумладан, эркин кураш бўйича Магомед Ибрагимов (97 кг) финалда эронлик Ҳусайн Шағбозигазварни енгган бўлса, яна бир спортчимиз Бекзод Абдураҳмонов (74 кг) ҳам рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Ихтиёр Навруzов кумуш, Умиджон Исманов бронза медаль билан чекланди.

Юнон-рум кураши беллашувларида Рустам Асакалов ва Мўминжон Абдуллаев бронза медалларини қўлга киритди.

Хорижда спорт

ЧЕМПИОН БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Англия премьер лигасида муддатидан олдин мамлакат чемпиони ва кумуш медаль соҳиблари аниқланди. Эътиборлиси, бу иккала жамоа ҳам Лондон шарафини ҳимоя қилади: «Челси» ва «Тоттенхэм».

«Mirror» ва «Daily Mail» нашрларида ёзилишича, жорий мавсумдаги чемпионлик мукофоти 150 миллион фунт стерлинг (193,5 миллион доллар)ни ташкил этган. Шу пайтгача Англия чемпионатлари тарихида бундай кўрсаткич қайд этилмаганди. Ўз тарихида олтинчи марта бош соврин соҳиби бўлган «Челси»га бу пулларнинг каттагина қисми телетрансляциялардан келган.

Аммо «аристократлар» жамоаси хўжайини Роман Абрамович 14 йил мобайнида клуб ривожи учун 3 миллиард фунт стерлинг (3,8 млрд доллар) сарфлаган.

ЕНГИЛМАС «РЕАЛ»ДАН РЕКОРД

«Реал» клуби кетма-кет барча учрашувларда рақиб дарвозасини ишғол этиш бўйича немисларнинг «Бавария»си ўрнатган рекордни янгилади, дея хабар берилди «Марка» нашрида.



Ушбу кўрсаткич Европанинг энг кучли беш миллий чемпионати(Испания, Англия, Италия, Германия, Франция)даги натижаларга асосланган. «Реал» 2016 йилнинг 26 апрелидан буён барча матчларда гол уряпти.

Енгилмас «қироллик клуби» Ла-лиганинг 37-турида «Севилья»ни қабул қилиб, 4:1 ҳисобида мағлуб этгач, рақиб дарвозаси ишғол этилган кетма-кет 61-матч бўлди. Шунингдек, Криштиану Роналду мазкур матчда мадридликлар сафидаги 400-голини ҳам урди.

УМУМҲИСОБДАГИ ФАРҚ 6 ОЧКО

«Mercedes» жамоасининг британиялик пойгачиси Льюис Хэмилтон «Формула-1» бўйича Испанияда кечган Гран-при мусобақасида ғалаба қозонгани ҳақида «Лента.ру»да хабар берилди.



Ундан кейин марра чизиғини "Ferrari" вакили, германиялик Себастьян Феттель, учинчи бўлиб эса австралиялик Даниэль Риккьярдо («Red Bull») босиб ўтди.

Ким Райкконен, Макс Ферстаппен ва Валттери Боттас каби моҳир пойгачилар эса маррагача етиб келишмади. Райкконен ва Макс тўқнашиб кетиб, мусобақани эрта тўхтатган бўлса, Боттас бошқарувидаги буллитнинг мотори ишдан чиқди.

Умумий ҳисобда С.Феттель 104 очко билан етакчилик қиляпти. Хэмилтон (98 очко) ва Боттас (63) кучли учликдан жой олган. Галдаги Гран-при мусобақаси Монако шаҳрида 26—28 май кунлари ўтказилади.

НЕЙМАР МУРАББИЙДАН НОРОЗИ

«Барселона» жамоаси ҳужумчиси Неймар агар келаси мавсумда клубни Хуан Карлос Унсуэ бошқарадиган бўлса, бошқа клубга ўтиб кетишини маълум қилди.



«Mundo Deportivo» нашрида келтирилишича, бразилиялик футболчи: «Агар Унсуэ «Барселона»да қолса, мен клубни тарк этаман», дея раҳбариятга ўз норозилигини билдирган. Машғулотлардан бирида ёрдамчи мураббий Неймарни кескин танқид қилган. Бу эса футболчига ёқмаган ва Унсуэ билан гап талашиб қолган.

25 ёшли Неймар айни пайт каталонияликларнинг «Мессидан кейинги етакчиси» дейилмоқда.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси математика факультети «Алгебра ва функционал анализ» кафедраси профессори, ЎзФА академиги Шавкат АЮПОВга волидаи муҳтарамаси


Марғуба аянинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

2017-yil 17-may, № 39 (9000)

Гўзал оҳанглар сеҳри







Халқимиз азалдан бой миллий маданияти, гўзал анъана ва қадриятлари билан дунё аҳлини мафтун этиб келган. Айниқса, истиқлол туфайли кўплаб урф-одатларимиз, халқ амалий санъати турлари қайта тикланиб, олам юзини кўрмоқда. Шу йилнинг 13-14 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамда қатор ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида ўтказилган “Бойсун баҳори” фольклор фестивалида бу ҳақиқат яна бир карра ўз исботини топди.

— Номоддий маданий меросимизни асраб-авайлаш, кенг жамоатчилик орасида тарғиб этишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти беқиёс. Жумладан, ўтган йилларда ташкил этилган фестиваль доирасида халқимиз тарихи ва маданиятини ўрганиш, унинг бой меросини асраб-авайлашга бағишланган тадбирларда элликка яқин ноёб ёдгорлик аниқлангани фикримиз тасдиғидир, — дейди Маданият вазирлигининг республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров. — “Бойсун баҳори” фольклор фестивалининг бетакрор табиатга, бой маданий меросга эга, хушманзара Бойсун туманида ўтказилиши ҳам ўзига хос маъно касб этади. Зеро, бу ҳудуд 2001 йили ЮНЕСКО томонидан “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари” сифатида эътироф этилган. 2008 йили Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилган.

Юртимизнинг барча ҳудудларидан келган хушовоз оқину жировлар, бахши ва лапарчилар иштирок этган фестиваль кўҳна ва навқирон Ватанимизда халқ оғзаки ижоди ва амалий санъатининг нечоғлик равнақ топаётганини намоён этиш баробарида ёш авлодда бой миллий маданиятимиз билан фахрланиш туйғуларини уйғотди. Ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик байрамига айланган фестиваль илмий-амалий конференция, миллий кураш мусобақаси ва бошқа халқ ўйинларига уланди. Хушовоз хонандалар, “Ниҳол” мукофоти совриндорларининг гала-концерти, Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрининг “Аёл ҳақида қасида” мусиқали фольклор спектакли йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

МУХБИРИМИЗ













Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ma’rifat

TA’SIS ETUVCHILAR:

O‘zbekiston Xalq ta’limi vazirligi, O‘zbekiston Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi, O‘zbekiston Ta’lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro‘yxatga olingan. Indeks: 149, 150. Г-515. Tiraji 52300. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog‘oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR: qabulxona — 233-50-55; kotibiyat — 233-99-15; reklama va marketing bo‘limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416

«Ma’rifat»dan materiallarni ko‘chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy. Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir: Hulkar TO‘YMANOVA.

Navbatchi: Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.

O‘zA yakuni — 21.37 Topshirildi — 23.10

123